БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 142 (889)

17 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Совет Иттифоқига дўстлик визити билан таклиф қилинган Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийлари бугун Тошкентга келади.

Билимли ёшлар—ишлаб чиқаришга

Буюк доҳимиз В. И. Ленин мамлакат аҳолисини ёппасига саводхон қилиш программасини чизиб берган, «Саводсиз бир мамлакатда социализм қуриб бўлмайди» деган шиорни ўртага ташлаган эди. Доно Коммунистик партиямиз раҳбарлигида коммунизм қурилишининг турли соҳаларида катта муваффақиятларни қўлга киритаётган халқимиз ёппасига саводхон бўлди. Ҳозир мамлакатимиз аҳолисининг тўртдан бир қисми, яъни 50 миллион киши бирор ўқиш билан машғул. СССР юқори малакали инженер, агроном, врач ва бошқа мутахассисларни тайёрлашда АҚШдан ўзиб кетди. Ҳозир бепоён Ватанимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида 6 миллиондан ортиқ юқори малакали, олий ва махсус маълумотли мутахассис ишлаб турибди. Бу фактлар улуғ Ленининг маданий революция ҳақидаги орзулари рўёбга чиққанлигини яна бир марта таъкидлайди.

Ўтмишда аҳолисининг кўпчилиги саводсиз бўлган Ўзбекистон ёппасига саводхон ўлкага айланди. Республикамиз ўз ишини яхши билган, илмни чуқур эгаллаган малакали мутахассисларга, турли касбдаги интеллигентлар армиясига эга. Буни ўтган йили бўлиб ўтган Ўзбекистон интеллигенциясининг биринчи съезди яққол кўрсатди. Интеллигенциямиз сони тобора ортиб бормоқда. Республикамиз олий ўқув юртлари минглаб олий маълумотли мутахассисларни етиштириб бермоқда. Ўрта мактабларни битираётганлар сони эса йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бу йил Тошкент шаҳар мактабларини 8 мингдан ортиқ, областимиз мактабларини эса етти ярим мингга яқин йигит-қиз битириб чиқди ва ҳаётга йўлланма—етуклик аттестати олди. Шаҳарларда ўнйиллик, қишлоқларда етти йиллик мажбурий таълимнинг амалга оширилиши натижасида ҳозир оддий колхозчи, ишчи, чўпон, дурадгор ва бошқа касбдагилар орасида ўрта маълумотга эга бўлган кишилар жуда кўп. Уларнинг кўпи ўрта мактаб қучоғидан чиқиб, ўзларининг ҳаётдаги ўринларини аниқ белгилаб олган, жамиятга фойда келтириш учун ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқи билан тўлган, ишлаб чиқариш даргоҳига, колхоз далаларига, чорвачилик фермаларига дадил қадам қўйган меҳнатсевар йигит ва қизларимиздир.

Мактабларда политехника таълимининг жорий қилиниши, дарс программаларига машина, трактор ҳайдаш, турли станокларда ишлаш, тажриба участкаларида қизиқарли меҳнат билан банд бўлиш, турли завод, фабрикаларга тез-тез экскурсиялар қилиб туриш сингари талабларнинг киритилиши, донгдор кишилар, ишлаб чиқариш новаторлари билан учрашувлар ўтказиш ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилмоқда, уларнинг касб танлашларини осонлаштирмоқда. Тошкент шаҳридаги бир қатор мактабларда ташкил этилган махсус ишлаб чиқариш синфлари, Бекободдаги 3-мактабда 25 қизнинг ўрта маълумот билан бирга медицина ҳамшираси билимини олаётганлиги, айрим мактабларнинг завод, колхоз ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишлари ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашда яхши натижалар берадиган.

Мирзачўл шаҳридаги 10-синфларни тугатаётган ўқувчиларнинг мактабни битиргач, қўриқ ва бўз ерларга бориш ҳақидаги чақириғи областимиздаги барча битирувчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Районларда ўнинчи синфларни тугатаётган ўқувчиларнинг слётлари зўр уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтди. Бу слётларда чиқиб сўзлаган йигит ва қизлар ўзларининг етуклик аттестати билан завод, фабрика, МТС, колхоз ва совхозларга бориб ишлашга тайёр эканликларини изҳор қилдилар. Ана шундай слётлардан бирида боёвутлик битирувчи Йўлдош Эгамбердиев сўзга чиқиб, етуклик аттестатини олгач, Булганин номли совхознинг учинчи бўлимида комсомол ёшлар бригадаси ташкил этишини айтди ва тенгдошларини ишлаб чиқаришга чақирди. Йўлдош ўз сўзининг устидан чиқди, ҳозир у ўзининг 20 га яқин дўсти билан пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқда. Бўка районидаги 17-мактабни тугатган 25 ўқувчидан иборат бутун бир синфдан ишлаб чиқариш бригадаси тузилди ва бу меҳнатсевар ёшлар ўз хоҳишлари билан колхозда қолдилар.

Ҳозир шаҳарда бўлмасин, қишлоқда бўлмасин битирувчи ёшларнинг кўп қисми бир-икки йил ишлаб чиқаришда қатнашиш, бирор касб ўрганиш, сўнг олий ўқув юртига кириб ўқиш ҳақидаги фикрга қўшилмоқда. Бу фикр ўзини ҳаёт тажрибасида оқлади.

Бу йил ўрта мактабни тамомлаган область ёшларидан 5000 дан ортиқ кишининг, Тошкент шаҳридаги бир неча минг йигит-қизнинг ишлаб чиқаришда қолиши, улардан кўпининг шу кунларда завод, фабрика, колхоз, совхозларга жойлашганлиги ва моддий бойликлар яратувчилар сафидан ўрин олганлиги кишини қувонтиради.

10-синфларни тугатган ёшларга ишлаб чиқариш корхоналарининг эшиклари, колхоз, совхоз далаларининг қучоғи кенг очиқ. Чунки ишлаб чиқаришнинг жуда кўп соҳалари механизациялашаётган, электрлашаётган ҳозирги шароитда корхоналаримиз, ишлаб чиқариш муассасаларимиз ўрта маълумотга эга бўлган, билимдон ёшларга муҳтож. Бундай ёшлар бир-икки ой ичида мураккаб станокларни, турли машиналарни бошқаришни ўрганиб, тез орада малакали ишчилар сафидан жой олмоқдалар. Уларнинг мактабда олган ўрта маълумоти, политехника таълими йўли билан ҳосил қилган меҳнат кўникмаси янгиликни тезгина ўзлаштириб олиш, севимли касбнинг ички-чикирларини ўрганиш имконини бермоқда.

Пойтахтимиздаги йирик завод ва фабрикалар, ҳисобсиз қурилиш ташкилотлари, Оҳангарондаги шахта, ГРЭС ва бошқа корхоналар, Чирчиқ, Янгийўл, Бекобод саноати турли касбларда ишлайдиган жуда кўп ёшларни кутмоқда. Мазкур корхоналарнинг раҳбарлари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ишга келувчи ёшларга сезгирлик, меҳрибонлик, ғамхўрлик билан муносабатда бўлишлари, уларнинг севган касбларини тез эгаллашлари, маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш учун ҳамма шароитни яратиб беришлари лозим.

Тажриба мактабларда политехника таълимини кенг йўлга қўйишни талаб қилмоқда. Шунинг учун мактаблардаги мавжуд устахона, махсус ўқув синфлари, тажриба участкаларини кенгайтириш, йўқларида уларни вужудга келтириш учун область, шаҳар, район халқ маорифи органлари олдида катта вазифалар турибди. Шу йўл билан ўрта маълумотли кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш, уларнинг касб танлашларини енгиллаштириш, уларнинг партиямиз XX съезди томонидан совет халқи олдига қўйилган улуғвор вазифаларни бажарувчилар сафларидан теза жой олишларига кўмаклашиш мумкин.

Ишлаб чиқаришга келаётган билимдон ёшларимизни яхши кутиб олайлик, уларнинг ҳаётдаги ўринларини топиб беришга кўмаклашайлик, етуклик аттестати олган йигит ва қизларимизга ўз билимларини, куч-қувват ва ғайратларини халқимиз учун фойдали ишларга сарфлашлари учун ҳамма имкониятларни яратиб берайлик.

Билимли ёшлар — қайноқ ҳаёт қучоғига, ишлаб чиқаришга!

ҒАЛЛА ҚИЗИЛ КАРВОНИ

Шу кунларда Паркент район колхозларида ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Район ғаллакорлари бу йил кенг майдонларда етиштирилган мўл ғалла ҳосилини нобуд қилмасдан ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш ва давлатга топшириш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ғалла ўрим-йиғимида комбайнлардан тўла ва унумли фойдаланилмоқда.

Бу йил об-ҳаво ноқулай келишига қарамасдан райондаги илғор колхозлар ва бригадалар ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Масалан, Ленин номли колхознинг ўртоқ Раҳмат Шодиев бошлиқ ғаллачилик бригадасининг аъзолари 12-15 центнердан бугдой ҳосили йиғиб олмоқдалар. Шу бригаданинг 30 гектар ердаги ғалласидан 22 центнердан арпа ҳосили ўриб-йиғиб олинди. «Коммунизм», Сталин номли колхозларда ҳам кенг майдонларда ана шундай мўл ғалла ҳосили етиштирилди.

Район колхозлари бўйича бу йил давлатга 24 235 центнер сортли ғалла топширилиши керак. Шундан 14 июлгача район ғалла тайёрлаш пунктига йиллик мажбуриятнинг 30 проценти миқдорида дон топширилди. 14 июль якшанба куни айниқса ғалла кўп топширилган кун бўлди. Шу куни ғалла қизил карвони ташкил этилди. Эрталаб соат 6 дан то кечки пайт қош қорайгунча қабул пунктига ғалла ортилган машиналар турна қатор бўлиб келиб турди.

«Коммунизм», Энгельс номли, Ленин номли ва Охунбобоев номли колхозлар давлатга ғалла топширишда айниқса олдинда бормоқдалар. 14 июль куни қабул пунктига район бўйича 300 тоннага яқин сортли ғалла топширилди.

СОВЕТ-АФҒОН ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНСИН!

☆ ☆ ☆

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийлари

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Кобил шаҳрида 1914 йил 15 октябрда туғилди.

Кобилдаги «Ҳабибия» ва «Истиқлол» лицейларини тамомлади. 1924 йил июль ойида Францияга бориб, у ерда француз ўқув юртларида — «Женсон де Сайли» лицейида, «Пастор» лицейида ва «де Монтпелье» колежида ўқишни давом эттирди. Афғонистонга қайтиб келиб, Кобил офицерлар мактабини тамомлади.

1932 йилнинг октябрида миллий мудофаа министрининг ўринбосари қилинди, 1933 йилнинг сентябрида эса маориф министри вазифасининг бажарувчи қилиниб тайинланди.

Отаси—Афғонистон подшоси Муҳаммад Нодиршоҳ вафотидан сўнг 1933 йил 8 ноябрда подшолик тахтига ўтирди. Шундан бери Муҳаммад Зоҳиршоҳ Афғонистон давлатига бош бўлиб, миллий афғон давлатининг мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсатини, Афғонистон билан Совет Иттифоқининг дўстона яхши қўшничилик муносабатларини давом эттириш ва ривожлантириш сиёсатини ўтказиб келмоқда.

1931 йил 11 ноябрда қабул қилинган Афғонистон конституциясига мувофиқ, афғон давлатининг бошлиғи бўлган подшонинг Министрлар совети раисини ва бошқа министрларни тайинлаш, уларни бўшатиш ва алмаштириш, халқ кенгаши маъқуллаган қонунларни тасдиқлаш, шу қонунларнинг кучга кирганлигини эълон қилиш ва уларни муҳофаза қилиш, Афғонистоннинг барча қуролли кучларига қўмондонлик қилиш, уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва ҳар қандай шартномалар тузиш, унвон ва мансаблар бериш, нишонлар билан мукофотлаш, жазоларни кечиш ва юмшатиш ва шу каби ҳуқуқлари бор. Подшо Муҳаммад Зоҳиршоҳ мамлакатнинг қози-калони сифатида шариат буйруқларининг ижро этилиши устидан кузатиб туради.

Муҳаммад Зоҳиршоҳ Афғонистоннинг атоқли давлат арбобидир. У, бетарафлик сиёсати ва Афғонистоннинг агрессив ҳарбий блокларда қатнашмаслик сиёсати тарафдоридир.

Муҳаммад Зоҳиршоҳ Бандунг конференциясида маъқулланган ҳаммага маълум принциплар асосида барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва тинчлик сиёсатини ўтказиб келмоқда. Муҳаммад Зоҳиршоҳ Афғонистон экономикасини, маданиятини ва маорифини ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда.

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳиршоҳ Совет Иттифоқига биринчи марта келаётир. Унинг СССРга қилаётган визити Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар 1955 йил декабрида Афғонистонга борган вақтларида ва Афғонистон бош министри Муҳаммад Довуд 1956 йил октябрида СССРга келганида СССР ва Афғонистон давлат арбоблари ўртасида вужудга келган шахсий алоқаларнинг давомидир.

* * *

Афғонистон подшоси билан бирликда Афғонистон бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Сардор Муҳаммад Наим жаноб олийлари ҳам СССРга келади.

Сардор Муҳаммад Наим 1910 йилда Кобилда туғилди. У, Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳиршоҳ амакисининг ўғлидир. Илгари ташқи ишлар министрлиги умумий сиёсий департаментининг бошлиғи, Италияда элчи, маориф министри, бош министр ўринбосари, Англияда элчи, АҚШда элчи бўлиб ишлаган.

АФҒОНИСТОН—ЖАНУБДАГИ ДЎСТИМИЗ

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг таклифига биноан, бугун Совет Иттифоқига расмий визит билан келади. Бу визит Совет давлати барпо бўлган дастлабки йиллардан бери давом қилиб келаётган Совет-Афғонистон дўстлигининг мустаҳкамлигидан далолат беради. Афғонистондаги «Ислоҳ» газетасининг ёзишича, бу визит Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлади.

Шарқ халқларини уйғотиб, мустамлака зулмига қарши, мустақиллик ва эркинлик учун курашга қўзғатган Улуғ Октябрь социалистик революцияси Совет давлати билан чегарадош Осиё мамлакатлари учун жуда катта аҳамиятга эга фактор бўлди. XIX асрнинг 80-йилларидан бери Англия ҳукуматининг контроли остида бўлиб келган Афғонистон ўзини кишанлаб турган ва тенг ҳуқуқли бўлмаган асоратли шартномалар занжирини парчалаб ташлади ва эндиликда «эркин ва мустақил бўлиш ва суверен давлатларнинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланиш» ниятида эканлигини қатъий қилиб айтди.

1919 йилнинг бошида мамлакат тақдирини ўз қўлига олган Афғонистон ҳукумати 1919 йил 7 апрелда В. И. Ленинга хат билан мурожаат қилиб, шу хатда «бутун дунё халқларининг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги принципини эълон қилган» Совет Россиясига эркин Афғонистон билан иттифоқ ва дўст бўлишни таклиф қилди. В. И. Ленин Англия-Афғонистон уруши кунларида ёзилган ўзининг жавоб хатида мустақил афғон халқини ишчи-деҳқон ҳукумати ва бутун совет халқи номидан табриклади ва мамлакатимиз билан Афғонистон ўртасида доимий дипломатик муносабатлар ўрнатишни таклиф қилди. Шундай қилиб, деди Ленин, чет эл йиртқичлари томонидан бўладиган ҳар қандай ҳамлаларга қарши ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирларига ёрдамлашмоқлари учун кенг имкониятлар очиб беради.

Қизил Армия оқ гвардиячиларни тор-мор келтириб, Марказий Россия билан Ўрта Осиё ўртасида алоқа йўлларини тиклаганидан сўнг, 1919 йилнинг кузида Афғонистоннинг биринчи элчиси Москвага келди ва В. И. Ленин уни қабул қилиб, дўст афғон халқининг вакили деб табриклади. Ўша йилнинг декабрь ойида фавқулодда совет миссияси Қобилга бориб, «савдо шартномалари ва бошқа дўстона шартномалар» тузиш тўғрисида Афғонистон ҳукумати билан музокаралар бошлади.

Империалистик давлатлар Совет-Афғонистон муносабатларининг мустаҳкамланишига йўл қўймасликка ҳар қанча уринсалар ҳам, лекин шунга қарамай, 1921 йил 28 февралда Москвада Совет-Афғонистон дўстлик шартномаси имзоланди ва бу шартнома ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона яхши қўшничилик муносабатлари учун мустаҳкам негиз бўлди. Совет ҳукумати Афғонистоннинг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, Афғонистон ҳукуматига пул ёрдами ва моддий ёрдам беришга, шунингдек Афғонистон юкларини совет территорияси орқали ташиб ўтиш ҳуқуқини беришга ўзининг тайёр эканлигини айтди.

Бу йил шу шартноманинг имзоланганлигига 36 йил тўлганлигини нишонлаб, Кобил радиоси бундай деди: «Афғонистон халқи ўзининг озодликни курашиб қўлга киритиш тарихига алоқадор бўлган кўп воқеаларни ўз хотирасида муқаддас билиб сақлаб келмоқда. Бир-бирига қўшни бўлган икки мамлакат — Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганлиги мана шундай воқеаларнинг биридир». «Ислоҳ» газетаси эса, Совет-Афғонистон шартномасининг йиллигига бағишланган мақоласида, ўтган 36 йил давомида СССР билан Афғонистон ўртасидаги ўзаро ишонч кундан-кунга ўсиб борди, деб ёзди. «Иккала мамлакат ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган маданий ва савдо алоқалари, — деб таъкидлади газета, — бу дўстликнинг энг яхши далилидир». Газета Совет Иттифоқи Афғонистоннинг мустақиллигини таниган биринчи давлат бўлганлигини эслатиб ўтди.

Совет-Афғонистон муносабатлари бутун ўтган йиллар давомида ҳамма синовлардан шараф билан ўтди. 1921 йилги шартномага негиз қилиб олинган асосий принциплар кейин бир қанча янги шартномаларда янада ривожлантирилди, кенгайтирилди ва мустаҳкамланди. Шу шартномаларнинг ҳар қайсиси тинчлик ишига ва аҳдлашувчи томонларнинг манфаатларини таъминлашга хизмат қилди. 1926 йил 31 августда бетарафлик ва ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида Совет-Афғонистон шартномаси имзоланди. 1931 йилда тузилган ҳамда 1955 йил 18 декабрда, — СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. С. Хрушчев Афғонистонда бўлган вақтларида — муддати узайтирилган Совет-Афғонистон шартномаси ҳам мазкур принципларга асосланган эди.

Совет Иттифоқи халқлари мард ва меҳнатсевар афғон халқига ҳамиша чуқур ҳурмат ва хайрихоҳлик билан қараб келдилар ҳамда унинг тинчликка ва миллий мустақилликни сақлашга интилаётганлигини юксак даражада қадрладилар. Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев 1955 йил 15-19 декабрда Афғонистонга борган вақтларида, шунингдек Афғонистон бош министри Муҳаммад Довуд 1956 йил кузида Совет Иттифоқига келган кунларда Совет-Афғонистон дўстлиги айниқса яққол намоён бўлди.

Совет раҳбарларини Афғонистоннинг расмий доиралари ҳам, шунингдек кенг жамоатчилик ҳам қизғин суратда кутиб олганликлари Совет-Афғонистон муносабатлари самимий дўстлик ва чуқур ҳурматлашнинг маҳкам ва соғлом негизига қурилганлигини кўрсатди. Совет-Афғонистон қўшма баёнотида бундай дейилган эди: «Совет Иттифоқи давлат арбобларининг дўстона қўшни мамлакат бўлган Афғонистонга қилган бу сафари ҳар иккала томоннинг самимий ва ўзаро ишонч вазиятида ўзларининг тинчликсевар ва яхши қўшничилик сиёсатларини баён қилиб ўтишга ҳамда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни Афғонистон томонидан ўтказилиб келаётган бетарафлик сиёсатини ҳурматлаш асосида янада кенгайтириш имкониятларини ўрганишга имкон берди».

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Кобилда бўлган вақтларида Афғонистон билан СССР ўртасидаги савдо ва иқтисодий муносабатларга доир масалалар ҳар тарафлама кўриб чиқилди. СССР ҳукумати Афғонистон экономикасини ривожлантириш программасини амалга оширишда Афғонистонга техника ва молия ёрдами кўрсатишга принципиал розилик билдирганлигини айтди ва шу мақсадда унга Америка пули билан ҳисоблаганда 30 йил муддат билан 100 миллион доллар қарз беришга розилик билдирди. Афғонистон ҳукумати СССР ҳукуматига Афғонистонга ёрдам кўрсатишга розилик билдирганлиги учун чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Мазкур қарздан фойдаланиш тартибида, шунингдек техника ёрдами тўғрисида илгари тузилган битимларни амалга ошириб, Совет Иттифоқи Афғонистонга қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, энергетика, саноат корхоналари қуриш, йўлларни ва алоқа воситаларини яхшилаш ҳамда кенгайтириш, Афғонистон шаҳарларини обод қилиш соҳаларида ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Қисқа муддат ичида — 20 ой мобайнида — совет мутахассислари раҳбарлиги остида Кобилда ғалла комбинати қурилди, бу комбинат донни қабул қилиб олишдан тортиб, тайёр маҳсулот чиқаришгача бўлган ишларнинг ҳаммасини тўла равишда механизациялашга имкон берадиган энг янги машиналар билан ускуналанди. Барча бинокорлик машиналари ва материаллари, шунингдек технология, электр ускуналари ва бошқа ускуналар Совет Иттифоқи томонидан етказиб берилди.

1957 йилнинг бошида Афғонистон матбуоти Афғонистонни иқтисодий ривожлантириш беш йиллик плани ишлаб чиқилаётганлигини хабар қилган эди. Бу планга мувофиқ Кундуз, Кокча дарёларида, Гилменд водисида бир қанча йирик ирригация иншоотлари қуриш, Жалолобод каналини, шунингдек бир қанча тўғонларни қуриш мўлжалланади. Бу объектларнинг қурилиши жамъи 1250 минг жарибгача (жариб 0,19 гектарга баравар) янги ерларни ўзлаштиришга ва шу билан Афғонистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кенгайтиришга имкон беради. Бундан ташқари, планда янги йўллар қуриш ва мавжуд йўлларни яхшилаш, аэродромларни ва дарё портларини модернизациялаш, янги енгил саноат корхоналарини барпо этиш ва мавжуд корхоналарни кенгайтириш, янги мактаблар ва медицина муассасалари қуриш, илмий марказлар барпо этиш кўзда тутилади ва ҳоказо. Беш йиллик планда умумий харажатлар 12 миллиард афғони миқдорида кўзда тутилади, шу билан бирга 2 миллиард афғон ирригация системаларини кенгайтириш учун ажратилади.

Афғонистон ҳукумати мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва таъминлаш йўлида бетарафлик ва ҳарбий блокларда қатнашмаслик сиёсатини изчиллик билан амалга оширмоқда, БМТ уставига ва Бандунг конференцияси принципларига амал қилмоқда, Афғонистоннинг узоқ вақт давомида ташқи дунёдан ажралиб турганлиги ва мамлакат ички ишларига империалистларнинг кўпол равишда аралашганлиги оқибати бўлган иқтисодий қолоқлигини тугатиш учун куч ва ғайратини сарф қилмоқда. Қўшни дўст афғон халқига ҳамиша соф кўнгил билан қараб келган совет жамоатчилиги афғон халқининг турли соҳаларда эришган муваффақиятларини зўр мамнуният билан қайд қилади ва унга иқтисодий ҳамда маданий қурилишда янгидан-янги ғалабалар тилайди.

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрати Олийларининг СССРга келишига доир

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳни ва унинг ҳамроҳларини кутиб олмоқ учун СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. П. Тарасов, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг Бош Секретари Б. Ф. Подцероб, армия генерали И. В. Тюленев, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Ўрта Шарқ Бўлимининг Мудири А. П. Павлов, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлими мудирининг ўринбосари К. А. Кочетков ва бошқа расмий кишилар шу йил 16 июлда «ТУ-104» самолётида Москвадан Тошкентга учиб келдилар.

Афғонистон подшосини кутиб олмоқ учун Афғонистоннинг СССРдаги Элчиси Абдул Ҳаким ҳам шу самолётда Тошкентга учиб келди.

Подшо ва ҳамроҳларининг Москвага 17 июлда келиши кутилади.

СССР Мудофаа министри маршал Г. К. Жуков Ленинграддан жўнаб кетди

ЛЕНИНГРАД, 15 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков бугун Ленинграддан Москвага жўнаб кетди. Г. К. Жуков ССР Иттифоқи Харбий Денгиз Флоти Кунини байрам қилишда қатнашиш учун Ленинградга келган эди.

СССР партия-ҳукумат делегациясининг Чехословакия Республикасида бўлиши тўғрисида қўшма ахборот имзоланди

ПРАГА, 16 июль. **(ТАСС-ЧТА махсус мухбирлари).** Бугун Прага Градида Москва вақти билан соат 12 дан 08 минут ўтганда Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг Чехословакия Республикасида бўлиши тўғрисида қўшма ахборот имзоланди. СССР партия-ҳукумат делегацияси номидан ахборотни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев имзолади, Чехословакия Республикаси партия-ҳукумат делегацияси номидан ахборотни ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ А. Новотний имзолади.

Ахборот имзоланган вақтда Совет ва Чехословакия партия-ҳукумат делегацияларининг аъзолари, Чехословакия Республикасининг партия, давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси Прагадан жўнаб кетди

ПРАГА, 16 июль. (ТАСС). Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари, шунингдек Чехословакия Республикасининг партия ва ҳукумат раҳбарлари маҳаллий вақт билан соат 12-40 минутда Руза аэродромига йўл оладилар.

Аэродромда тўпланган минглаб прагаликлар жўнаб кетаётган совет меҳмонлари, шунингдек уларга ҳамроҳ бўлиб бораётган Чехословакия Республикасининг партия ва ҳукумат раҳбарлари шарафига гулдурос овация қиладилар. «Яшасин Совет Иттифоқи! Совет Иттифоқи билан абадий бирга бўламиз!» деган хитоблар қайта-қайта такрорланади.

Совет ва Чехословакия гимнлари янграб турибди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев фахрий қоровул бошлиғининг рапортини қабул қилади. Сўнгра, Н. С. Хрушчев, Н. А. Булганин, А. Новотний ва В. Широкий ўртоқлар фахрий қоровул олдидан юриб ўтадилар. Сўнгра, ўртоқ Н. С. Хрушчев, ўртоқ Н. А. Булганин ва Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари дипломатик корпус аъзолари билан хайрлашадилар. Прага пионерлари делегациянинг ҳамма аъзоларига, шунингдек уларга ҳамроҳ бўлиб бораётган Чехословакия партия ва ҳукумат раҳбарларига гуллар тақдим этадилар. Кейин совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари Чехословакия Республикасининг партия ва ҳукумат раҳбарлари билан самимий хайрлашадилар.

«ТУ-104» самолёти маҳаллий вақт билан роса 13-30 минутда аэродромдан парвоз қилиб, Москвага йўл олади.

Завқли ҳаёт, шарафли меҳнат қучоғида

Меҳнатда бахт топдим

Суратда: смена мастери Н. Акбарова (ўнгда) етуқлик аттестати билан фабрикага келган, тикувчи, Е. Беланга маслаҳат бермоқда.

В. Салов фотоси.

1956 йилнинг шу кунларини ҳеч қачон унутмайман. Минглаб ёшлар қатори мен ҳам ўрта мактабни тугатиб, етуклик аттестатини олдим. Эндиги ҳаётим қайси йўлдан боради? Бирон олий ўқув юртига кирсаммикан, ё тўғри ишлаб чиқаришга борсаммикан? Бу саволга кеча-кундуз жавоб ахтардим. Ниҳоят, Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасига ишга кирдим.

Тўғри, дастлаб ишда қийинчиликларга дуч келар эканман. Лекин фабрика коллективи менга ўхшаш ёшларга катта аҳамият берди, ҳар ерда қўллаб-қувватлади. Айниқса, смена мастеримиз Н. Акбарова, тикувчилардан М. Молодцова, Т. Пашкиналар кўп ёрдам беришди.

Ҳозир мен фабриканинг 4-цехида ишлаётирман. Цехимиз болалар пальтосини тикади. Мен 1 йилга етмасданоқ пальто тикишнинг ҳамма операцияларини тўла билиб олдим. Цехимизнинг илғор тикувчилари қаторида ҳар смена нормасини 120-130 процентдан бажараётирман. Ойига 700-800 сўмдан ортиқ маош оламан.

Шу кунларда Тошкент тўқимачилик институтининг технология факультети сиртқи бўлимига кириш, ишлаб чиқаришдан ажрамаган ҳолда билимимни ошириш учун ҳаракат қилмоқдаман.

Менинг дугоналарим — цехимиз мотористка-лари М. Болкунова, Р. Мальнева, Ж. Карчашкиналар ҳам меҳнатда бахт топдилар. Халқим учун меҳнат қилиш олижаноб иш эканлигини эслар эканман, касбимга бўлган муҳаббатим янада ортади.

Шунинг учун ҳам, 10-синфни тугатган дугоналаримга, ишлаб чиқаришга, бизнинг фабрикамизга келинг, меҳнатда ҳам шон-шараф топиш мумкин экан, дейман.

Евгения БЕЛАН,
«Қизил тонг» фабрикаси тикувчиси.

Комсомол путёвкаси билан

Шу кунларда шаҳар ва район комсомол комитетларига 10-синфни тугаллаб чиққан жуда кўп йигит-қизлардан уларни қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, саноат корхоналарида ҳамда қурилишларда ишлаш учун юборишни илтимос қилиб тушган аризалар сони кун сайин кўпаймоқда.

— Ёшларнинг талаби зўр. Ўтган йили республикамиздан 2700 йигит-қиз комсомол йўлланмасини олган бўлса, шуларнинг 1500 га яқини Тошкент области ёшлари эди. Булардан 1200 га яқин йигит-қиз Оҳангарон шаҳрига, 300 дан ортиқроғи Янгиерга бориб ишлаш истагини билдирган эди, — дейди Тошкент область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Скобцов. — Бу йил уларнинг сони яна ҳам ортади. Яқинда 40 киши Тошкент—Оҳангарон поездида янги ҳаёт қучоғига йўл олади. Бундан ташқари, Оҳангарон шаҳрининг ўзидаги ўрта мактабларни тугаллаб чиққан 100 га яқин комсомол шаҳардаги қурилишларда, кўмир қазиш ишларида ишни бошлаб юборишдилар. Биргина Қорасув районидан 20 комсомол Оҳангарон ГРЭС қурилишига жунадилар.

Оҳангарон ГРЭСига келинглар

Ўрта мактабни тугатганлардан кўплари аттестатни олгач, қаерга бориб ишлаш кераклигини аниқлаб олдилар. Лекин ҳали бу масалани ҳал қилиб олмаган ёшлар ҳам топилади.

Бизнинг мамлакатимизда касб танлаш учун имконият кўп.

Саноатимиз ҳам, қишлоқ хўжалигимиз ҳам онгли кадрларни талаб қилади. Ҳар бир касбнинг ҳам ўзига жалб қиладиган, қизиқтирадиган томони, ўз кўрки, файзи ва поэзияси бор. Ҳар қандай меҳнат бизда ўз қадрини топган. Инсон меҳнати билан дунёдаги барча моддий ва маънавий бойликлар яратилади. Шундай бўлгач бизнинг жамиятимизда меҳнат қилиш шон-шараф ва қаҳромонлик ишидир.

10-синфни муваффақиятли тугатган комсомол аъзоси Абдуқаҳҳор Пўлатов ана шу шонли меҳнат тўғрисида, бирор касб эгаси бўлиш тўғрисида кўп ўйлаган эди. Ниҳоят, у Оҳангарон ГРЭСига бориб ишлашга қарор қилди. Бу ерда электромонтёрларнинг махсус курсида ўқиб, тезда яхши ҳунар эгаси—электромонтёр бўлиб олди. Абдуқаҳҳор ҳозир ГРЭС қурилишида ана шу касби билан станцияни жиҳозлаш-монтаж ишларида фидокорона меҳнат қилаётир. У кунлик нормани 180-190 процент бажариб келмоқда. Шу кунларда у Тошкент политехника институти энергетика факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кириш тараддудида. Меҳнатда тобланган Абдуқаҳҳор ГРЭСда ишлаб турган ҳолда олий маълумотли бўлади. Абдуқаҳҳор кабилар бизда кўплаб топилади.

Бу гал биз матонатли Абдуқаҳҳорлар ишлаб бахт топаётган Оҳангарон ГРЭСи ҳақида сўзлаймиз.

ГРЭС — давлат район электр станциясидир. Оҳангарон ГРЭСи Оҳангарон кўмиридан шу ернинг ўзида мақсадга мувофиқ фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олиб қурилаётир.

Электр энергиясини сим билан узоққа юбориш кўмирни темир йўллар орқали ташишдан ҳам қулай, ҳам арзонга тушади. Бундан ташқари, электр энергиясини жуда узоқ масофага юбориш мумкин. Масалан, Куйбишев ГЭСи электр энергиясини Москвага—900 километр узоқликка бера олади, бу йил бу ГЭСдан Бошқирдистонга ва яна узоқ Уралга борадиган электр линияси қурилади.

Оҳангарон ГРЭСи электр энергиясини эса Ўзбекистоннинг барча областларига, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистоннинг айрим шаҳарларига юбориш мумкин бўлади.



Оҳангарон ГРЭСи қурилишида ишлаётган комсомол-ёшлар қурилишнинг барча участкаларида актив иштирок қилаётирлар. Комсомол аъзоси К. Алиев қурилишда зўр иштиёқ билан меҳнат қилиб, ўз тенгдошларига намуна бўлмоқда. Ҳозир у ГРЭСнинг бош пультида 6-разрядлик электромонтёр бўлиб ишламоқда. К. Алиев кунлик ишлаб чиқариш нормасини 170-180 процентга етказиб бажараётир. Суратда: К. Алиев пульт олдида.

Оҳангарон ГРЭСи қурилиб битгач, у СССРдаги энг катта электростанциялардан бири бўлиб қолади. Оҳангарон ГРЭСи дастлабки агрегатларининг ишга туширилиши Тошкент областида электр энергиясининг етишмовчилигига барҳам беради.

Оҳангарон ГРЭСининг Ўзбекистон учун алоҳида қиммати яна шундаки, ГРЭС Ўзбекистон энергия системаси гидростанциялари учун катта резерв бўлади. ГЭСнинг ишлаб чиқариш қуввати йилнинг кам ёки кўп сувли бўлишига боғлиқ. ГРЭС бўлса бу 2 табиий факторга боғлиқ эмас.

Дастлабки икки агрегатнинг бу йил ишга тушиши билан Оҳангарон ГРЭСининг қуввати Ўзбекэнерго иссиқлик электростанциялари (Тошкент ТЭЦ, ФерТЭЦ, Қувасой ГРЭС) қувватидан ҳам кўп бўлади.

ГРЭС — жуда турли-туман машиналар, аппарат ва асбоблар йиғиндисидан иборат мураккаб комплексдир. Қурилган бинолар ва иншоотларни санаб чиқиш ГРЭС хўжалигининг мураккаблиги ҳақида бироз тасаввур бериши мумкин.



А. Пўлатов етуклик аттестати билан ГРЭС қурилишига келган. Тезда яхшигина касби эгаллаб олган Абдуқаҳҳор Пўлатов станцияни жиҳозлаш-монтаж участкасида электромонтёрлик вазифасини бажараётир. Суратда: А. Пўлатов кучлантириш трансформатори олдида.

Сиз унда бош корпус, алоқа пункти ва лабораториялардан иборат ёрдамчи корпусни, бошқарманинг бош ғови, 35, 110 ва 220 киловольтли очиқ пасайтирувчи станцияларни, нефтенасос, химводоочистка, багер насос хоналарини, хомашёни майдалаб берувчи корпусни, станция гидроузелини, Оҳангарон дарёсидаги тўғонни, буғ, газ қувурлари ва бошқаларни кўрасиз.

ГРЭС бош корпусининг баландлиги 50 метр, унинг узунлиги салкам 4 километр. ГРЭС трубасининг баландлиги эса 100 метр.

ГРЭСга ёқилғи ва сув кўп миқдорда керак бўлади. Масалан, Оҳангарон ГРЭСи ишга тушишининг биринчи ойидаёқ унинг нормал ишлаши учун 50 минг тоннага яқин кўмир керак бўлади. ГРЭСни сув билан таъминлаш вазифасини станциянинг турбина цехи, ёқилғи билан таъминлашни эса ёқилғи транспорти цехи бажаради. Бу ерда тракторист ва скрейперистлар касбини эгаллаган ишчилар керак бўлади. Кўмир бериб турувчи транспортёрларни бошқариш учун малакали ишчилар ҳам талаб қилинади. Транспортёрлар соатига 500 тоннагача кўмир бериши мумкин. Бу йил Оҳангарон ГРЭСи ишга тушиш даврини бошдан кечирмоқда. Қурувчилар ва монтажчилар айниқса қизғин кунларни ўтказмоқдалар. Олинган социалистик мажбуриятга кўра, ГРЭСни муддатидан олдин, яъни қурувчилар куни—11 августгача ишга тушириш мўлжалланади. Шу сабабли эксплуатация бўлими коллективи жиҳозлаш, ишлаб чиқариш инструкцияларини ўрганиш, асбоб-ускуналарни қабул қилиб олиш каби ишлар билан қизғин шуғулланмоқда. Кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. СССРнинг бошқа электростанцияларида стажировка ўтказган бошқарувчилик қасбини эгаллаган ишчилар, турбина ва қозон машинистлари, электротехниклар кела бошладилар. Мамлакатнинг кўпгина ГРЭСларидан мураккаб энергетик асбоб-ускуналардан фойдаланишда тажрибага эга бўлган инженер ва техниклар келдилар.

Июль ва августдан ГРЭСда малакали ишчилар тайёрлайдиган курслар ишлай бошлайди. Қозон ва турбиналар машинисти ёрдамчилари, навбатчи ва ремонтчи слесарлар, навбатчи ёқилғи бериб турувчилар, тегирмон машинистлари, нефтенасос, гидротехник иншоотлари навбатчилари, кучли насос электромонтёрлари ва бошқа ўнлаб касбга эга бўлган кишилар тайёрланади.

Бу касблардан ҳар бири қизиқарли ва завқлидир. Ўрта мактабни битирган ёшлар бизга, ГРЭСга келадилар деб кутамиз. Уларнинг ўқиши, ишлаши, яхши ҳаёт кечириши учун ҳамма шароит яратиб берилади. Бошқа шаҳарлардан Оҳангаронга келувчилар учун ГРЭСнинг янги уй-жой биноларидан ётоқхоналар ажратилади. Қурилишда 500 ўринли кино зали бўлган клуб бор, стадион ва чўмилиш ҳавзалари қурилмоқда. Станциядан 8 километр масофадаги боғда 6 гектар майдонга эга бўлган ГРЭС дам олиш уйи барпо этилади.

Ҳозирданоқ ГРЭС ва уй-жой посёлкалари атрофига дарахтлар ва бугалар ўтқазишга тайёргарлик кўрмоқламиз. Сквер ва майдончаларнинг проекти тузилмоқда. Оҳангарон боғлар шаҳри бўлади, буни Оҳангаронда яшовчиларнинг ўзи қилиши мумкин. Энергетиклар шаҳарни кўкламзорлаштирувчиларнинг, обод қилувчиларнинг олдинги сафларида бўладилар.

Ўрта мактабни тугаллаган ўртоқлар, бизга—Оҳангаронга келинг! Бу ер сизнинг қонингизда жўш уриб қайнаётган куч-ғайратингизни, ўн йил давомида олган билимларингизни ишлатадиган, ўзингизни ўстирадиган, чиниқтирадиган жойдир.

В. СЕННИКОВ,
Оҳангарон ГРЭСи директори.

Н. Филимонов Оҳангарон ГРЭСи қурилишида 6-разрядлик электромонтёр вазифасида ишлаб, кунлик нормани ҳар доим 180-190 процентдан бажариб келмоқда. Ёш ишчи узининг ҳалол меҳнати билан ГРЭС қурувчилари коллективи орасида катта ҳурмат қозонган. Суратда: Н. Филимонов трансформаторни кўздан кечирмоқда.

М. Турсунхўжаев фотолари.

Ишлаймиз, ўрганамиз

Суратда: Оржоникидзе районидаги 34-мактабни тамомлаб, Киров номли колхозда ишлаётган М. Акбаров ва Қ. Нуржонова ғўза парваришида.

Ж. Ваҳобов фотолари.

Бултур 10-синфни тугатганимдан кейин севган касбимни тўла эгаллаш учун ўзим ўсган колхознинг 1-бригадасига чиқиб ишлай бошладим. Шу йили бригадамиз ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштирди. Ана шу ҳосилни етиштиришда менинг ҳам кичик ҳиссам борлигини эслаб қувонаман. Бир йил ҳалол меҳнатим натижасида талайгина меҳнат куни ишлаб, яхшигина даромад қилибман.

Бу ерда ҳам ишлайсан, ҳам ўрганасан киши. Ҳозир мен ҳосилга ҳосил қўшишда ҳал қилувчи июль ойининг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиш мақсадида кунлик чопиқ нормамни 2-2,5 ҳиссадан бажармоқдаман.

Ердан унумли ҳосил олиш учун курашаётган колхозчиларимиз сафига келинг, дугоналар!

Қумри НОРЖОНОВА

* * *

Ўртоқларимнинг «Ўқишни тугаллаб, қаерга борасан, ким бўласан?» каби сўроқларига доим, колхозга бораман, ишлайман, деб қатъий жавоб берардим. Етуклик аттестати қўлимга тегиши билан айтганимни қилдим. Колхозимизга ишга кирдим. 1-бригадада звено бошлиғи бўлиб ишлаётган Абдураим Эшонхўжаев ҳам ўтган йили 10-синфни тугаллаб, оддий кетмончи бўлиб иш бошлаган эди.

Мен ҳам унга эргашдим. Ғўза зараркунандаларига қарши дориловчи бўлиб ишлаётирман ва кунлик нормани 200 процентга етказиб бажармоқдаман. Бир-икки йил ишлаб, тажриба орттирганимдан кейин Қишлоқ хўжалик институтига кириб ўқийман.

М. АКБАРОВ,

Ишдан — ўқишга

Шу кунларда Ўрта Осиё Давлат университети қабул комиссиясининг иши авжида.

Мана, физика-математика факультетига кириш учун ариза берган Назира Ҳасановнинг анкетаси. У онласи билан 1956 йилда Хитой Халқ Республикасидан кўчиб келган. 10-синфни аъло баҳолар билан тамомлаган Назира Ғулжа шаҳри мактаб ўқувчилари бирлашмаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган, икки йил 8-9-синфларга математикадан дарс берган.

Университетнинг шарқ факультетига кираётган А. Ҳамидав 1955-1957 йиллар мобайнида Фарғона областида кутубхона мудири бўлиб ишлаган.

— Мен,—дейди шарқ факультетига кириш учун ариза бераётган Рустам Аслонов, — ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, 10-синфни тамомлашга муваффақ бўлдим. 1952 йилда Республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги босмахонасига ишга кирдим. Кўп вақт ўтмасдан печатник бўлдим. Энди ўқийман.

Икки-уч йил ишлаб чиқаришда бўлиб, ҳаётий тажриба орттирганлар олий ўқув юртларига киришда катта қулайликлардан фойдаланадилар.

Билим ва меҳнат қўйнида

Июль қуёши сахий ва баракали нурини тобора кўпроқ сочиб, тиккага кўтарилиб бормоқда эди. Биз яқинда обод бўлабошлаган ишчилар посёлкасидан ўтиб, катта кўча бўйлаб Сталин номли колхоз қишлоғи томон бормоқдамиз. Кўчанинг икки тарафида ям-яшил бахмал гиламдек яшнаб ётган зироатлар мўл ҳосил тўплаш учун бутун вужудлари билан қуёшга интилгандек. Қуёшнинг ёлқини ям-яшил резаворларнинг баргларига тушиб ялтирайди. Бир муддат қараб турган кишининг кўзи қамашиб, эти жимирлашгандек бўлади. У ер-бу ерда берилиб, экинларни парвариш қилаётган колхозчилар кўринади. Уларнинг аксарияти ёшлар. Булар орасида 27-мактабни тамомлаб етуклик аттестати олгач, колхоз даласида меҳнат қилаётган Санталат Саидова, Муқаддам Ёқубова, Турсун Азизова, Мурувват Ёдгорова ва бошқа шижоатли, меҳнатсевар, чаққон қизларни учратамиз. Булар шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш учун олиб борилаётган курашга ўз пешона терлари, ақл-идроклари ва билак кучлари билан муносиб ҳисса қўшаётган деҳқонлар сафидан ўрин олганлар. Қизлар айтаётган шўх яллалар, Ҳазил-ҳузул гаплардан кўтарилган кулгилар, гавжум даланинг файзига файз қўшиб юборади. Узоқдан радиода берилаётган таниш қўшиқнинг ёқимли садолари бутун далага таралмоқда. Биз ўша томонга юрдик. Ҳа демай чиройлик уйлари, кўркам бинолари қад кўтариб турган колхоз қишлоғига кириб бордик. Ўз салобати билан кўзга яққол ташланиб турган бино корпусига етганимизда ўнгга бурилдик. Халиги ашула мана шу бино тепасига ўрнатилган радио карнайидан таралмоқда, ашулани эса мактаб радиоузелининг радисти, шу мактабни битиргач, алоқа техникумини тугатиб, жонажон қишлоғига ишга қайтган Обид Хусанов плёнкадан қўяётган экан. Радиоузел мактабдаги барча радио ҳаваскорлари учун лаборатория ролини ўйнар экан.

Клубдаги фото ва кино кабинетлари, дурадгорлик, слесарлик, токарлик устахоналари эътиборни жалб қилади. 300 дан ортиқ киши сигадиган залнинг саҳнаси эса мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ихтиёрида.

Мактаб илмий бўлим мудири Наймжон Миралиев бизни мактаб тажриба участкасига бошлади.

Бир гектарга яқин майдонда ёш мичуринчилар томонидан меҳр билан парвариш қилинаётган техника ва сабзавот экинлари, мевали ва декоратив дарахтлар, анвои гуллар, субтропик ўсимликлар барқ уриб авж олаётган тажриба участкасини мароқ билан тамоша қила бошладик.

Мана бу тахтага экилган маккажўхори поясидан соқолини чиқариб қолган сўталар мўл ҳосилни кўз-кўз қилиб турибди. Кейинги икки тахтага янги нав помидор кўчатлари экилган. Нариги тахтага эса, бир неча хил ўсимлик қатор-катор қилиб жойлаштирилган. Кейингисида турли вақтларда экилган пахтанинг ўсишини кузатиш мумкин.

Пўлканинг ўнг томонидаги бир неча тахтага «Ф-108», малла, қизил баргли, кичичка толали ва бошқа совет пахта сортларидан намуналар турли шаклда экилган. Бу ерда ўсаётган ғўзалар чеканканинг, минерал ўғитларнинг ҳосилга таъсирини, турли қаторларнинг хусусиятларини синаб кўриш имкониятини беради. Нариги тахтада эса кўмкўк беда белга уриб ўсиб ётибди. Бу тахтада уч йил бурун пахта экилган бўлиб, у ўтдалали алмашлаб экиш принципини акс эттирар экан. Майдоннинг кўп қисми помидор учун ажратилган. Ҳосил тугиб, олди қизариб қолган помидор кўчатлари мактаб парнигида етиштирилган. Парник кичик бўлишига қарамай, ўтган йили колхозга 20.000 туп кўчат берди ва ундан юқори ҳосил олинди. Бу йил эса колхоз бригадаларига, мактабга яқин заводларга, Янгийўлдаги мактаб-интернатга ва бошқа ташкилотларга бир неча ўн минг туп помидор кўчати етказиб берилди. Теплицада ўтган йили нишона берган лимон, кўп йиллик пахта, турли гуллар ўсиб ётибди. Теплицанинг нариги ёнида бочкаларга экилган 2 яшар ток ва анор ҳосилга кирган. Янги лимон кўчатларни экиш учун траншея қазиб қўйилган.

Мактаб ўқувчилари парвариш қилаётган бу ўсимликлардан энг юқори ҳосил олинмоқда. Шунинг учун ҳам мактаб уч йилдан бери Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиб келмоқда. Мактаб БҚХВ Бош комитети томонидан гуноҳнома, II даражали диплом, медаль ва «ГАЗ-51» маркали юк машинаси, қатнашчилардан 11 киши эса бронза медаллари билан мукофотланган.

— Қани, энди янги жиҳозланган устахонамизга юринглар,—деб бизни кўчанинг нариги бетидаги устахонага бошлади ўртоқ Миралиев. Бу хонада тракторнинг ҳамма қисмлари, уни юргизишни ўргатадиган кўргазмали материаллар бор.

— Болалар трактор ҳайдашни ҳам ўрганиб қолишгандир?

— Бўлмасам-чи, тракторнинг ҳамма қисмларини ўрганиб олган, уни мустақил равишда бошқара оладиган ўқувчиларимиз жуда кўп. Масалан, Собир Каримов, Хусан Мирзаев, Иброй Нурмўҳамедов, Қосим Саидов сингари ўқувчиларимиз ўзлари ер ҳайдаб, борона қиладиган бўлиб қолганлар.

— 1938 йилда ташкил этилган мактабимиз, — дейди ўртоқ Миралиев, — мамлакатимизга юзлаб ўрта маълумотли йигит-қизларни етказиб берди. Уларнинг кўпи малакали мутахассислар бўлиб етишди. Бир қисми эса ўз қишлоғимизга қайтиб келди. Дарс программаларига ҳар бир синфнинг ҳафтасига икки соатдан яқинимиздаги образив ва асбобсозлик заводларига боришлари киритилган. Колхоз далаларида меҳнат дарси ўтказишни йўлга қўйганмиз. Бунинг натижасида ўқувчиларимизнинг кўпи 10-синфни битирмасданоқ касб танлай оладиган, мазкур заводларга, колхозга ёки райпромкомбинатга кириб ишлайдиган, тез орада бирор ҳунарни эгаллайдиган бўлиб қолдилар. Корхоналарнинг маъмуриятлари собиқ ўқувчиларимизнинг ишларидан хурсанд эканликларини изҳор қилмоқдалар. Бу йил битираётган 51 ўқувчининг ярмидан кўпи заводларга, промкомбинатга ва колхозга ишга кирмоқчи.

Илмий мудир заводларда илғор бўлиб ишлаётган бир неча ўқувчининг номини санаб кетди... Биз бу илғор ишчилар билан учрашишга ошиқиб, мактаб ўқитувчилари билан хайрлашдик.

* * *

Завод шаҳарчасининг бульварига етиб келганимизда скамейкада икки ёш йигит билан суҳбатлашиб ўтирган мактаб директори Юсуф Мўминовни учратдик.

— Э, келинглар, келинглар... Мана булар билан ҳам танишинглар,— деди директор биз билан сўрашар экан,—булар бизнинг собиқ ўқувчиларимиз, ҳозир эса асбобсозлик заводининг илғор ишчиларидан бўлиб қолишди.

Биз улар билан самимий кўришдик. Билсак, Тўхтамурод Солиҳов 1955 йилда етуклик аттестатини қўлга олиши биланоқ заводга кириб ишлай бошлабди. Дастлаб пармаловчи, кейин фрезерчи, ҳозир эса 3-разрядли токарь бўлиб ишлаётган экан. У бир сменада 900 ўрнига 1500-1700, хатто ундан ҳам ортиқ мечет тайёрлар экан. Завод коллективи ўртасида обрў қозонибди. Маъмуриятдан раҳматнома олибди. Тоир Мансуров эса ишга ўтган йили кирган. Бир ойдаёқ машиналарнинг қисмларини тайёрлайдиган станокларнинг тиғини—фреза ясашни ўрганиб олибди. Ҳозир у, кунлик нормани доимо ортиғи билан бажариб келаётган экан.

— Бунақа азамат, меҳнатсевар ўқувчиларимиз образив заводида айниқса кўп. Юринглар, сизларга уларнинг ишини кўрсатаман, — деб бизни заводга бошлади директор. У худди ўз фарзандининг камолга етиб, қўлидан иш келиб қолганлигини биринчи марта кўрган отадек ҳаяжонланар ва қувонар эди.

Кўпчилиги комсомол-ёшлардан иборат бўлган формовка цехига кирганимизда иккинчи смена бошланай деб турган экан. Смена мастери ёшгина, очиққина йигит Фозил Толипов бизга илғор ишчиларнинг номларини айтиб берди. У етуклик аттестати билан заводга келган, 200 тонналик пресс машинасида ишлаётган Эрназар Эрмонов, 150 тонналик пресс машинасини дадил юргизиб, кунлик нормани бир ярим-икки ҳисса ошириб бажараётган Маҳкам Эшметов, 100 тонналик пресс станогини моҳирлик билан бошқараётган Тўра Муҳамедов, Ўролдаги мактабларнинг бирини битириб келган Таиса Бунина ва Людмила Комарова сингари ўнлаб илғорларнинг фидокорона ишлаётганликларини, уларнинг жуда тез вақт ичида ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиб олганликларини гапириб берди.

Биз формовка цехига, заводнинг илғор ишчилари қаторидан жой олган Маҳкам Эшметов станоги олдига бориб, унинг ишини кузатдик. Таиса Бунина бошқа цехларда тайёрланган қум, связка, экстрин, сув сингари кўпгина моддалар бирикмасидан тайёрланган массадан 7 килограммдан тортиб махсус қолипга эпчиллик билан солиб турибди. Фотима Софиянова эса диска билан уни текислаб, қудратли пресс машинасини бошқараётган Маҳкам Эшматовга тайёрлаб узатади. Маҳкам эса 150 тонна зарб билан тушадиган прессниг ричагини босади. Бир лаҳзада ҳалиги масса ҳар қандай металлни ҳам емира оладиган қайроқ-чархга айланади. Бундан сўнгги печда 2700-2800 даражали иссиқда қизитиш, силлиқлаш ва бошқа операциялардан ўтган қайроқ-чарх мамлакатимизнинг завод ва фабрикаларига машиналарнинг зарур қисмларини тайёрлаш учун юборилар экан.

Икки мингдан ортиқ шаклдаги қайроқ-чархни тайёрлашда завод ёшларининг, айниқса етуклик аттестати билан ишлаётган йигит ва қизларнинг ҳиссаси каттадир.

Мактаб директори завод хотин-қизлар кенгашининг раиси Александра Яковлевна Редько билан бизни таништирди.

— Бу киши мактабимизнинг энг яхши дўстларидан, нимага муҳтож бўлиб қолсак, шуларга мурожаат қиламиз. Александра Яковлевна эса арзимизни тинглаб, мактабга зарур бўлиб қолган ёрдамни ҳал қилиш масаласини дарҳол завод маъмуриятига билдириб, мушкулимизни осон қилади. Ўқув устахоналаримиздаги станоклар, теплицамиз ва мактабимиз биносига ишлатилган қурилиш материалларининг кўп қисмини завод берган. Завод айниқса ўқувчиларимизга катта меҳрибонлик кўрсатиб, ҳаёт мактаби ролини ўйнамоқда.

Биз мактаб директори ва завод хизматчилари билан хайрлашар эканмиз, икки завод ва бир колхоз билан жуда яхши алоқа ўрнатган, ажойиб тажриба участкасига эга бўлган 27-мактабнинг ҳақиқатан ҳам билим ва меҳнат қучоғига айланганлигига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Уни тамомлаб чиқаётган ёшларнинг тўппа-тўғри ишлаб чиқаришга бораётганликларидан қувондик.

М. ЯҲЁЕВ,
М. МИРҲЎЖАЕВ.
Калинин райони.

Суратларда: 1. 10-синфни тамомлаган абразив заводида пресс станогини бошқариб, кунига 200 ўрнига 400 талан қайрақ-чарх чиқарётган Тўра Муҳамедов. 2. Мактаб ўқувчилари ғўзани 5-чопиқдан чиқармоқдалар. 3. Бу йил 10-синфга ўтган Қодир Жўраев боғдорчилик ни севади. У бочкага экилган токни парвариш қилмоқда.

Б. Сиддиқов фотолари.

Мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш учун шу кунларда ғўзани юқори сифатли парвариш қилайлик!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Мелибой ота звеноси — мусобақа илғори

Мелибой ота 63 ёшга қадам қўйди. Лекин у ҳали ҳам ўзини йигитлардай бакувват ҳис қилади. Ишда чарчаш нималигини билмайди. Халол меҳнат унга куч-кувват бағишлайди.

Ота ўн йилдан бери Мирзачўл районидаги Охунбобоев номли колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг звеноси пахтачилик сохасидаги бой тажрибаларга, юқори агротехника қоидаларига амал қилгани ҳолда ҳар йили ҳам давлатга пахта топшириш планини ошириб бажариб келмоқда.

Ўтган йили 16 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олинган эди. Звено аъзолари отанинг кимматли маслаҳатларига тўла амал қилганлари ҳолда ёз бўйи халол меҳнат қилдилар. Ғўзани квадрат-уялаб ўстириб, ҳар туп ўсимликда мўл ҳосил тўпланишига эришдилар. Натижада ҳар гектар ердан мажбуриятдаги 26 ўрнига давлатга 42 центнердан юқори сифатли пахта топширилди.

Халол меҳнат туфайли Мелибой ота Бутуниттифоқ кишлоқ хўжалик виставкасига бориш шарафига муяссар бўлди. У улуғ пойтахтимиз Москвага борди. Виставкада донгдор пахтакорларнинг бой тажрибаларини ўрганди.

Бу йил ота бошлиқ звено аъзоларининг ҳаракатлари янада бошқача. Улар 16 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу мақсадда пахта далаларида фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Ҳозиргача звено ғўзалари уч марта комплекс парваришлаш чиқарилди. Мелибой ота Дониёров ва унинг тенгдоши Ҳожиали ота Мамасолиевлар кондириб суғораётган ғўзалар кундан-кунга гуркираб яшнамоқда. Ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўпланаётир.

Б. СОЙИБНАЗАРОВ.

Совхознинг илғор бригадаларида

Боёвут районидаги Булганин номли совхознинг ишчи ва механизаторлари бу йил 5550 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 18 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Совхознинг илғор бригадалари ана шу мажбуриятни шараф билан бажариш ишига муносиб ҳисса қўшиб, ғўза парваришини ҳар томонлама сифатли ўтказаётирлар.

Совхознинг илғор 1-бўлимидаги Ҳайдаров, Тўрақулов, Бўриев, Маматқулов ўртоқлар бошлиқ бригадалари ана шулар жумласидандир. Бу бригадаларнинг уч марта сифатли парваришдан чиқарилган, озиқлантирилган, кондириб суғорилаётган ғўзалари ҳозир мўл ҳосил тўпламоқда. Шоналар гулга, гуллар тўқ қўсакларга айланаётир.

Шунингдек, 6-бўлимнинг ўртоқ И. Шамалиев бошлиқ бригада аъзолари ҳам ўзаро социалистик мусобақада олдинда бориб, ғўза парваришлаш соҳасида дуруст натижаларга эришаётирлар. Улар 65 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб, бу юксак мажбуриятни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги кунигача тўла бажариш учун пухта замин ҳозирламоқдалар.

Й. БОБОЕВ.

Сирдарёдаги бўшашувчиликка зарба берилиши керак

Район партия комитетининг ходими Ўртоқ Карташов яқинда райком бюросида «Ленинизм» колхозидаги ғўза парвариши ҳақида гапириб, ҳар туп ғўзада 3-4 тадан кўсак бор деб тоза мақтади. Мусобақадош икки колхоз ўртасида ўтказилган ўзаро текшириш вақтида иштирок этган ўртоқ Карташов нукул кўсак санашга берилиб кетиб, сўнгги кунларда бу колхозда юз бераётган бўшашувчилик кайфиятини хас пўшлашга уринди. Агар июнь ойининг сўнгги ўн кунлигида колхозда анча дуруст иш олиб борилган бўлса, июлнинг биринчи ўн кунлигида эса иш суръати кескин равишда пасайиб кетган. Кейинги ўн кунликда, олдинги ўн кунликка нисбатан ғўзани узунасига культивация қилиш 281, кўндалангига культивация қилиш 124, озиқлантириш 47 ва чопиқ 40 гектар кам бажарилган.

Бундай ҳол фақат «Ленинизм» колхозига ва айрим кишилларгагина хос гап эмас. Ҳалитдан мағрурланиш, кўсак санашга берилиб кетиб, ғўза парваришини сусайтириб юбориш ҳозир Сирдарё районидаги кўп колхозларда юз бермоқда.

Биринчи МТС директори ўртоқ Эргаш Саидов, зона бўйича ҳар гектар ерда камида 85-90 минг туп кўсак бўлиши керак, ҳозир ўрта ҳисобда ҳар гектар ерда 76 минг тупдан кўчат бор, кўчатдан ютқизиб кўйдик, энди ғўза парваришини кучайтириш билан пахтадан мўл ҳосил олишимиз, мажбуриятимизни бажаришимиз керак, дейди. Бу гап тўғри. Ҳозир йўқ кўчатни бор қилиб бўлмайди, энди ҳамма гап ғўза парваришини кучайтириш, қолган ғўза тупларида мўл ҳосил етиштиришдан иборат. Ҳозир бу МТС зонасидаги қайси бир колхоз раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, улар бир оғиздан июль ойида ғўза парваришини яна кучайтирамиз, у қиламизбу қиламиз дейилар. Лекин МТС раҳбарлари ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам оғизда ғўза парваришини кучайтирамиз дейилар-у, амалда ишни сусайтириб юбормоқдалар.

Ўртоқ Абдиманов раислик қилаётган «XIX партсъезд» колхозида олдинги ўн кунликда (20 дан 30 июнгача) жами 1069 гектар ердаги ғўза узунасига ва кўндалангига культивация қилинган бўлса, июль ойининг биринчи ўн кунлигида фақат 296 гектар ердаги ғўза культивация қилинган. Ўртоқ Шодмонқулов раислик қилаётган «Ёш ленинчи» колхозида шу муддат ичида 339 гектар ўрнига 232 гектар ердаги ғўза чопилган. «Леннобод» колхозининг раиси ўртоқ Қорабоев 80 гектар ердаги ғўзани ҳали гулламаган, уларни қўшимча парваришлаш қилиш, қўшимча озиқлантириш лозим дейди. Лекин шу колхозда кейинги ўн кунликда ғўзани озиқлантириш кучайтирилиши ўрнига сусайтириб юборилган.

Бу колхозда мавжуд тракторлардан фойдаланиш ҳам қониқарли эмас. Колхознинг 1-бригадасида универсалчи А. Туронов ер ётказиб берилмагани учун 5 кун бекор турганлар. 9, 10, ва 2-бригадаларда ишлаб турган универсалчилардан Т. Пармонов, У. Қудратов, З. Қурбонбоев ўртоқлар ҳам худди шу сабабли 2-3 кунлаб бекор туриб қолмоқдалар. Бу колхозда суғориш ишлари механизациядан тўла ва унумли фойдаланишни мўлжаллаб уюштирилмаган. Кейинги кунларда бу ерда ишчи кучлари ҳам дала ишларига тўла сафарбар этилмаётир.

Ўртоқ Мирсаид Бобоев раислик қилаётган «Коммунизм» колхозида ғўза парвариши кўнгилдагидек олиб борилмаяпти. Айниқса ғўзани ёввойи ўтлардан тозалаб олиш ҳалигача тамом бўлмаган. 40 гектар ердаги ғўза ҳамон ўт ичида ётибди. Колхозда чаноқаб ётган ғўзани суғориш ёмон уюштирилган. Айниқса тунги суғориш талабга жавоб бермайди.

Умуман, бу МТС зонасидаги колхозларда июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тўғрисида шовшувлар бўлаяпти-ку, амалда иш суръати сусайтириб юбориляпти. Амалий иш ўрнига баландпарвоз гаплар кўпроқ эшитиляпти. Механизмлардан ёмон фойдаланиляпти. 1 июлдан 10 июлгача 1-МТС зонасидаги колхозларда 20 трактор иш йўқлиги учун, 10 та трактор бузилиб қолганлиги учун бекор турди.

— Сирдарёда ҳосилга ҳосил қўшиш ойлиги шундай ўтмоқда...

Шу кунларда, 1-МТС айрим колхозларга тракторларни тўла комплект қилган ҳолда юбормаги маълум бўлиб қолди. «Ленинизм» колхозида хизмат қилаётган бригада механиги Холматов билан МТС директори Саидов ўртоқлар ўртасида шу ҳақда анча тортишув бўлди.

— Биз бир тракторни сизга запас қилиб, бошқа ишлар учун берганмиз, — дейди директор, иш органлари тўла бўлмаган бир трактор ҳақида.

— Бошқа ишлар учун эмас, ғўза парвариши учун берилган, — дейди бригада механиги.

Бригада механиги директор билан анча тортишди-ку, «Запас деб берилган трактор тўла комплект бўлмаса, у нима учун керак?» деб савол бермади. Кейин маълум бўлишича, бу колхозда ҳозир 3 та тракторчи етишмаслиги, ОДН тўхтаб турганлиги, битта эмас, иккита тракторда иш органлари етишмаслиги маълум бўлди.

2-МТС зонасидаги колхозларда ҳам аҳволни бундан яхши деб бўлмайди. Райкомнинг сўнгги бюросида «XVIII партконференция» колхозининг раиси ўртоқ И. Бездетний сув етарли бўлса, ишимиз юришиб кетади деб арз қилди. Ўртоқ Бездетний сув талаб қилиш тўғрисида кўп бош қотирар экан-ку, лекин сувдан тўғри фойдаланиш тўғрисида жиддий чора кўрмас экан. Бу колхозда сувдан тўғри фойдаланмаслик, сувни исроф қилиш фактлари кетма-кет содир бўлиб туради. Мана бир неча мисол. Колхознинг ўртоқ Олланазар Одилов бошлиқ бригадасида, кечаси сув қўйишга тайинланган сувчилардан Йўлдош Ярлақопов, Шомурод Норов, Рўзи Мадатов ўртоқлар сувни қўйиб, кечаси ўзлари ўйларига кетиб қолганлар. Натижада икки гектар ғўзани сув босиб кетган. Қолган сув кечаси билан зовурга оқиб ётган. Ғўзани кўллатиб суғоришдек агротехникага хилоф ҳаракатлар бу колхознинг бошқа бригадаларида ҳам юз берапти. Ўртоқ Рашид Бекиров бошлиқ бригадада бир гектар ердаги ғўза кўллатиб суғорилганидан саргая бошлаган.

Сўнгги кунларда бу колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Айрим кишилар ўзлари далага чиқмай, болаларини чиқариб, меҳнат кунларини ўзларига ёздириб олмоқдалар. Бригада табелчиси ўртоқ Кен бунга сира эътибор бермаган. Бригада бошлиғи ўртоқ Рашид Бекировнинг ўзи ўтакетган интизомсиз. У далада камдан-кам бўлади. Шунинг учун ҳозир бу бригадада 5 гектар ердаги ғўза ҳамон ўт ичида ётибди. 5-6 гектар ердаги ғўзани қўшимча парвариш қилиш чораси кўрилмаган.

Колхознинг иккинчи участкасида, айниқса аҳвол ёмон. Культивация, ғўза чопиги жуда сифатсиз ўтказилаяпти. 10 кунда 343 гектар ўрнига 141 гектар ердаги ғўза чопилган. Ундан ташқари, айрим карталарда ғўза чала ягана қилинган. «XVIII партконференция» колхозининг раҳбарлари далада ишловчиларга қулай шароит яратиб бериш тўғрисида ҳам гамхўрлик қилмаяптилар. Ҳалигача далада иссиқ овқат ташкил этилмаган.

Сирдарё районидаги бошқа колхозларда ҳам бу каби қатор камчиликлар такрорланмоқда. Шунга қарамай, айрим ўртоқларда мағрурланиш, мақтаниш кайфияти сезилмоқда. «Ғўзамизнинг кўки ёмон эмас» деб баралла мақтанмоқдалар. Айрим жойлардаги ғўзалар қисман тузук бўлса ҳам, ҳали кўп майдонлардаги ғўзанинг ривожи ҳозирги талабга мутлақо жавоб бермаслигини унутмоқдалар. Анчагина ердаги ғўза ҳали ҳам гулга кирмаган. Районда ўз-ўзини юпатиш, мағрурланиш, ўринсиз мақтаниш ва бўшашувчилик кайфиятларига қатъий зарба берилиши, июль ойида ғўза парваришини партия ва ҳукуматимиз талаб қилганича янада кучайтириб юбориш лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тупларда кўсак кўпаймоқда

Верхне-волинск районидаги М. Горький номли колхоз аъзолари Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб 620 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилганлар. Ҳосил тўплаш ойи — июлда ғўзани камида 2 марта комплекс парвариш қилиш учун колхозчилар зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Моҳир универсалчилардан Б. Кучимов, Р. Нурназаров ўртоқлар ғўзани икки томонлама ишлашда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 1200 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олган.

Ўртоқ Кучимов шу давргача 680 гектар ердаги ғўзани сифатли культувациядан чиқарди.

Колхозда ғўзани озиқлантириш, ғўза зараркунандаларига қарши кураш иши тўғри олиб борилаётир. Сув исрофгарчилигига йўл қўйилмаётганлиги сабабли ғўзалар бир меёрда кондириб суғорилмоқда. Колхознинг ўртоқ Н. Қодиров бошлиқ бригада ғўзалари текис гуллаб гуллар тўқ кўрсакларга айланмоқда.

Мўл ҳосил учун кураша бригаданинг меҳнатсевар аъзоларидан Х. Каримова, Р. Ҳамроевалар қуплик нормани 1,5-2 баравар бажариб, илғорликни қўлдан бермаётирлар. Колхоз аъзолари ғўзани эрта-индин чеканка қилиш учун тайёрланмоқдалар.

Қ. ЗУҲУРОВ.

Гуллар тўқ кўсакларга айланмоқда

Ўртоқ Н. Асроров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси Дзержинский номли колхознинг юқори ҳосилли бригадаларидан бири ҳисобланади. Комсомол-ёшлар ўтган йили ҳалол меҳнат қилиб, давлатга гектаридан 38 центнердан юқори сифатли пахта топширган эдилар. Бу йил уларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари янада катта. Улар ҳар гектар ерда 45 центнердан ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини белгиланган муддатларда, сифатли ўтказаётирлар.

Шу кунга қадар бригаданинг барча майдондаги ғўзаси уч марта комплекс парваришдан чиқарилди. Бунда Ф. Норбоева, М. Алибоева, Т. Қурбоналиева каби колхозчилар, А. Назаров, Я. Эшонқулов, А. Ҳидиров ўртоқлар сингари миришкор сувчилар астойдил меҳнат қилиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлаётирлар.

Бекобод районидаги Навоий номли, Сталин номли колхозларда ҳам ғўза парвариши соҳасида дуруст натижаларга эришилмоқда.

Навоий номли колхознинг О. Бойболаев, М. Ҳожибоев, Э. Дўсбеков, Сталин номли колхознинг А. Ҳайиталиев, Хрушчев номли колхознинг А. Алимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳозир ғўзанинг учинчи комплекс парвариши тугалланди. Азамат пахтакорлар механизаторлар билан ҳамкорликда ҳалол меҳнат қилиб, ғўзаларнинг нормал ривожланишига эришмоқдалар. Ҳозир бу бригадаларнинг ҳар туп ғўзасида 15 дан шона, 10 га яқин гул, 3-4 тадан кўсак бор.

Н. ШЕРБЕКОВ,
Н. ОХУНОВ,
У. ЮСУФАЛИЕВ.
У. ШОДИЕРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Картошка ва сабзавот савдосини яхшилайлик

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитети область шаҳарларида картошка ва сабзавот савдосини яхшилаш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда бу йил кўпгина колхозларда эртаги картошка, бодринг, помидор, пиёз, сабзи ва лавлагидан яхши ҳосил етиштирилганлиги қайд этилади. Бироқ Тошкент шаҳар ва областнинг бошқа атрофи зонасидаги сабзавот-картошка етиштирувчи анча колхозларда давлатга маҳсулот топшириш суръати ва маҳсулотларни бозорларда сотиш қониқарсиз бораётир.

Область колхоз ва совхозлари 10 июлгача давлатга ҳаммаси бўлиб 4770 тонна, яъни планга нисбатан 11,1 процент сабзавот топширганлар. Картошка топширишдаги аҳвол бундан ҳам ёмон.

Калинин, Тошкент ва Бекобод районларидаги колхозларда картошкани йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш ишлари айниқса ёмон олиб борилаётир.

Давлатга картошка ва сабзавот топшириш суръатининг пасайиб кетаётганлиги шуни кўрсатадики, кўпгина район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари бу муҳим иш устидан қаттиқ контроль олиб бормай ўз ҳолига ташлаб қўйдилар.

Колхоз савдо шохобчалари ҳамда давлат савдо ташкилотлари орқали шаҳарларнинг меҳнаткашларига сабзавот сотиш ишлари ғоят ёмон уюштирилган. Ўтказилган текширишларда кейинги вақтларда колхоз ва райпишчеторгларнинг дўконларида аҳолига маҳсулот бутунлай сотилмаётганлиги ёки жуда кам сотилаётганлиги маълум бўлди. Масалан, 12 июль эрталаб Тошкент шаҳрининг Полиграф кўчасидаги колхоз ва райпишчеторгларнинг 22 дўконидан фақат 2 таси очиқ бўлган, Олой бозоридаги 30 дўконнинг 12 тасидагина сабзавот сотилиб турган. Шу билан бирга бир қатор дўконларда сотилаётган маҳсулотнинг сифати жуда паст.

Тошкент шаҳрининг бошқа районларида, Бекобод, Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳарлари бозорларида ҳам ана шундай аҳвол юз берган.

Аҳолига сабзавот ва картошка сотишни қониқарсиз ташкил этиш шунга олиб келдики, натижада бу маҳсулотларнинг бозордаги баҳоси ҳали ҳам юқори бўлиб турибди, колхоз правлениелари ва савдо ташкилотлари томонидан қаттиқ контроль бўлмаганлиги учун айрим инсофсиз шахслар сифати бир хил бўлган сабзавотларни ҳар хил баҳоларда сотмоқдалар, баъзи ҳолларда баҳоларни колхоз правлениеси томонидан белгиланганидан ошириб юбормоқдалар.

Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг бозорларида колхозлар ва колхозчиларнинг сабзавотларини чайқовчи элементлар томонидан сотиб олиш фактлари ҳам бор. Лекин милиция органлари ҳам, бозор комитетлари ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган бундай ҳодисага қарши кураш олиб бормаётирлар.

Қарорда Тошкент ва областнинг бошқа шаҳарларидаги савдо ташкилотларининг ҳозиргача колхозлар билан қаттиқ алоқа боғламаганликлари, сабзавот олиб кетишни суст уюштираётганликлари ҳам қайд қилинади. Аҳолини сабзавот билан таъминлашда уни бевосита корхоналарнинг ўзида сотиш каби воситадан ҳали ҳам ёмон фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва область комитетининг сабзавот ва картошка етиштиришни анча кўпайтириш ва бу маҳсулотлар билан Тошкент ҳамда бошқа шаҳарлар аҳолисини таъминлашни яхшилаш тўғрисида бир неча марта кўрсатма беришларига қарамасдан айрим район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, айниқса, шаҳар атрофидаги районларда бу муҳим ишга ғоят масъулиятсизлик билан қарамоқдалар.

Кўпгина колхозлар район партия комитетлари ва район ижроия комитетларининг контроль қилмасликларидан фойдаланиб, картошка ва сабзавот экиш планини ҳозиргача ҳам бажармаганлар ҳамда бу экинларни, айниқса, кечки муддатларда экилган экинларни ғоят қониқарсиз парвариш қилаётирлар.

Район партия ва совет ташкилотлари, колхозларнинг правлениелари ва партия ташкилотлари картошка ва сабзавот экинлари ҳосилини ошириш йўлида етарли иш олиб бормаётирлар ҳамда бу экинлар парваришни суръатини кучайтириш учун конкрет тадбирларни белгиламаётирлар. Натижада кўпгина майдонлардаги картошка ва сабзавот экинларини бегона ўтлар босиб кетган, культивация ва чопиқ қилиш ишлари кеч ва сифатсиз ўтказилмоқда. Сабзавотчилик колхозларига ҳизмат кўрсатаётган МТС ҳам экинларни парвариш қилишда техникадан қониқарсиз фойдаланмоқдалар.

Картошка ва сабзавот экинларини озиқлантириш ва суғориш каби энг муҳим тадбирларни амалга оширишга ҳам шу кунларда етарлик эътибор берилмаётир.

Область партия комитетининг бюроси ва область ижроия комитети район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига областдаги барча колхоз ва совхозларнинг асосий вазифалари — давлатга картошка ва сабзавот топшириш планини бажаришдан ва бу маҳсулотлар билан шаҳар ва ишчи посёлкалари аҳолисини узлуксиз таъминлаб туришдан иборат эканлигини алоҳида уқдирди. Тошкент шаҳар ва областнинг бошқа саноат марказлари бозорларига меҳнаткашларнинг эҳтиёжини таъминлаш учун ҳар куни етарли миқдорда ва ассортиментда картошка ва сабзавот келтириб туриш талаб этилди.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига, МТС ва совхозларнинг директорлари ҳамда колхозларнинг правлениеларига эртаги картошка ва сабзавотни йиғиб-териш суръатини кескин кучайтириш ва уларни тезда давлатга топширилишини таъминлаш таклиф этилди. Ҳар бир колхоз ва бўйича картошка, сабзавотни йиғиб-териш ва сотиш юзасидан графиклар тузилиши керак. Колхозларга маҳсулотни сотиш ва давлатга топшириш учун правление аъзоларидан бирини жавобгар қилиб қўйиш тавсия этилди.

Колхозларда колхозчиларнинг томорқаларида етиштирилган сабзавот ва картошкани колхоз дўконлари орқали сотиб беришни ташкил этиш тавсия қилинди.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига 5 кун муддат ичида колхоз савдо шохобчалари ходимлари составини кўриб чиқиш, мувофиқ бўлмаган шахслларнинг ўрнига синалган колхозчилардан қўйиш ҳамда уларни район партия комитетлари номеклатурасига киритиш таклиф этилди.

Картошка ва сабзавотни аҳолига ўз вақтида етказиб бериш мақсадида савдо ташкилотларининг тайёрлов пунктларидан ташқари бевосита маҳсулот олиб кетадиган колхозлар сонини кўпайтиришга қарор қилинди.

Область партия комитетининг бюроси ва область ижроия комитети область қишлоқ хўжалик бошқармасига, район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига, МТС, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига кечки экинлар, айниқса карам, сабзи, бодринг экиш планини сўзсиз бажарилишини таъминлаш мажбуриятини юклади. Шу билан бирга июль-август ойларида картошка ва сабзавот экинлари парвариши суръатини кучайтириш ҳам таклиф этилди. Экинни ўз вақтида суғориш ва ундан кейин сифатли чопиқ, культивация қилиш ҳамда ўташ ишларига алоҳида эътибор берилиши керак.

Эртаги экинлардан бўшаган ерлар икки кун ичида ҳосилга олиниши ва уларга такрорий экинлар экилиши зарур. Экинларни парвариш қилишга колхозчилар ва совхоз ишчиларининг максимал кўпчилиги жалб этилиши, шунингдек бу ишда мавжуд техникадан тўла фойдаланилиши лозим.

Тошкент шаҳар ижроия комитетига ҳамда областнинг бошқа шаҳарларидаги ижроия комитетларга ўзларининг мажлисларида картошка ва сабзавот савдосини тубдан яхшилаш масаласини муҳокама қилиш, сабзавот дўконлари, магазинлари ва ҳоказоларнинг ишларини ўзларининг контроллиги остига олиш таклиф этилди.

Чайқовчиларнинг колхозлар ва колхозчилардан сабзавот ва картошкани сотиб олиб савдо қилиш фактларига қарши кураш учун бир қатор тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш милиция органлари билан бозор комитетларига топширилди.

Шунингдек қарорда колхозлар ва савдо ташкилотларида эски сабзавот омборларини ремонт қилиш ва янгиларини қуриш ишлари суръатини кучайтириш юзасидан ҳам бир қатор тадбирлар белгиланди.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Ғўзани гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида сифатли парвариш қилайлик

Июль — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ойдир. Кузги шудгорлашда, эрта баҳорда, чигит экиш олдида, ғўзанинг чин барг чиқариши ва шоналаш даврларида қилинган ишларнинг сифатини ўсимликнинг гуллаш, мевалаш давридаги ҳолати кўрсатиб беради. Юқорида айтилган ишлар ўз вақтида сифатли ўтказилиб, ғўза июль ойигача нормал ҳосил тўплаш даражасига етган бўлса-ю, лекин бу даврда ўсимликни нотўғри парвариш қилиб, унинг ривожланишини нормал ёдан чиқариб қўйиш ҳам мумкин. Шунинг учун гуллаш ва мевалаш даврида ҳам ғўзани ҳар бир участканинг ер, сув шароитига қараб парвариш қилиш лозим.

Маълумки, ҳозирги даврда ғўзанинг илдизи, поя, ҳосил шохлари катталашиб, унинг сув, озуқа моддалар ва ёруғликка бўлган талаби ҳар қачонгидан ҳам ошади. Ўсимлик дастлабки даврида озуқа моддалар ва сувни бир ҳисса сарфласа, гуллаш даврида 2,5-3 ҳисса кўп сарфлайди. Демак, бу даврда тупроқда ўсимликнинг ана шу талабини қондирадиган даражада озуқа модда бўлиши зарур. Ўсимлик ўзига зарур бўлган озуқа моддаларни (углеродсан ташқари) ердан—сувда эриган ҳолда олади. Ўсимликка озуқа моддаларнинг узлуксиз ўтиб туриши учун тупроқда етарли миқдорда нам бўлиши ҳам зарур.

Афсуски, айрим жойларда ғўзани катта норма билан тез-тез суғориш ҳоллари учраб туради. Бунинг натижасида ғўза ғовлаб кетиб, мўл ҳосил тўпламайди. Чунки сув кўпроқ сингиб, бўтқа бўлиб қолган тупроққа ҳаво кирмай қолиб, ўсимлик учун зарур, аммо ўсимлик ўзлаштиришига номувофиқ озуқа моддаларни мувофиқлаштириб беручи фойдали микроорганизмларнинг иши сусаяди. Озуқа моддалар етарлиқ бўлса ҳам, улар ўсимликка нормал ўтиб турмайди — ғўза толиқиб, мўл ҳосил тўплашга кучсизлик қилиб қолади.

Шунинг учун пахта усталарининг кўп йиллик тажрибасига амал қилиб, ғўзани «чиниқтириб суғориш» усули қўлланилади. Аммо бу қонда нотўғри тушунилган айрим жойларда, ғўзани чанқатиш зарур экан, деб барг ва шохлар сўлиш даражасига етганда ҳам сугормай қўядилар. Натижада ғўза барглари ўз вазифасини, яъни органик модда тайёрлаш ишини бажара олмайди.

Ўсимлик организмига ердан ўтадиган сув миқдори унинг ўсиш даражаси ва ҳаво температурасига боғлиқдир. Илдиз поялар қанча катта ва температура юқори бўлса, ўсимликдан сув шунчалик кўп бугланади. Ғўзанинг поя ва шохлари катталашган, айни гуллаш, ҳосил тугиш даврида тупроқда намни озайтириш, биринчидан, озуқа моддаларнинг ўсимликка етиб боришини камайтирса, иккинчидан, барглар ишини издан чиқаради. Бу ҳол ғўзанинг ривожланишига путур етказиб, унинг кам ҳосил бўлиб қолишига сабаб бўлади. Демак, ғўзанинг сув ва озуқа моддалар билан тўғри таъминланиши учун уни, айниқса гуллаш даврида ўз вақтида тўғри суғориш керак. Бунда ғўзанинг суғориш муддатларини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга.

Суғориш муддатлари ғўзанинг ҳолатига: баргнинг рангига, гул чиқарадиган бўғимларнинг паст-баландлигига қараб белгиланади. Аммо айрим ҳоллларда ғўзани суғориш муддатларини куннинг қизиган пайтида, баргларнинг сўлишига қараб ҳам белгилайдилар. Бундай белгилаш нотўғридир. Чунки баргларнинг кун қизиган пайтда сўлиши, унинг ҳақиқатан чанқаб қолганлигини кўрсатмайди. Шунинг учун суғориш муддатларини белгилашда гул чиқарадиган бўғимларининг баланд-пастлигига қараб иш қилиш тўғри бўлади.

Агар гуллаш бошланган даврда гул чиққан энг юқориги шохлар поянинг ўсиш нуқтасидан пастдаги 8-9 мева шохида, гуллаш даврининг ўртасида — 6-7 мева шохида ва гуллашнинг охирларида 3-4 мева шохларида бўлса, ғўзани суғориш зарур. Ҳар бир ҳолда ҳам, агар гул чиқарган энг юқориги мева шохлар ўсиш нуқтасига бошда айтиб ўтилганга қараганда яқинлашиб чиққан бўлса, суғориш кечикканлиги ва, аксинча, юқоридан чиққан бўлса, суғориш эрта ўтказилганлиги билинади.

Ғўза гуллашга кириши билан унинг поя, шох ва меваларида органик моддалар кўплаб тўплана бошлайди. Бу даврда ғўзанинг барг сатҳи ҳам катталашиб, у ҳаводан кўплаб углекислий газни сингдириб, органик моддаларни ўзида тайёрлайди. Маълумки, органик моддалар таркиблаганида минерал азот ва фосфор билан углерод бирикиб, меванинг асоси — оқсиллар ҳосил бўлади. Айни ҳолда ҳаводан кўплаб олинаётган углекислий газдан фойдаланиш, қимматли органик моддалар таркиб этиш учун илдиздан минерал озуқа моддаларнинг етарлик даражада келиб туришини ҳам талаб этади. Шунинг учун ғўзанинг гуллаш даврига келиб ўғитга, айниқса азотли ўғитга талаби анча ортади. Ҳар бир участканинг тупроғи, унумдорлиги, белгиланган ҳосил миқдорига қараб азотли ўғитнинг асосий қисми ғўзанинг гуллаш даврида солиниши керак. Шуни унутмаслик керакки, озиқлантиришдан олдин, дала бегона ўтлардан тозаланган бўлиши шарт.

Ғўзани ҳар бир озиқлантиришда гектарига солинадиган азотли ўғит миқдори 40-50 килограммдан ортмаслиги, шу билан бирга бунга фосфорли ўғитнинг ўсув даврида озиқлантиришга қолдирган қисмига аралаштириб солиш яхши натижа беради. Азотли ўғитнинг йиллик миқдори 80 килограмм бўлганда (соф азот ҳисобида), унинг бир қисми ғўза шоналай бошлаш олдидан солинган бўлади. Иккинчи қисми гуллаш даврида солинади.

Азотли ва фосфорли ўғитларни чириган, қуруқ ва эланган гўнг билан аралаштириб солиш жуда фойдали. Бунда бир қисм минерал ўғитга бир қисм ёки икки қисм чиритилган гўнг қўшилади.

Ўғитлар, гуллаш даврида СУЗ, НКУ-2, 4-2,7 ва НКУ-4,6 машиналар билан суғориш эгатлари остига солиниб, 3-5 сантиметр чуқурликда кўмилади.

Бу йил баҳорда об-ҳавонинг ноқулай келиши орқасида ғўза ривожланишдан бирмунча кечикди. Ғўзанинг бу кечикишини июль ойи ичида ўғитлаш, ўсимликнинг талабига қараб суғориш ва трактор культивацияларини ўз вақтида сифатли ўтказиш йўли билан ўнглаб олиш мумкин. Ғўзани озиқлантиришни 1 августдан кечиктирмасдан тугаллаш зарур. Лекин озиқлантириш муддати тугаши билан, ғўзани энди мутлақо озиқлантириш керак эмас, деган хулоса келиб чиқмайди. Август ойи ичида ғўза суғорилса, бунда маҳаллий ўғитлар солиш айниқса бу йилги шароитда жуда фойдалидир.

Областимиз колхоз ва совхозлари бутун эътиборни ғўзани гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида озиқлантириш, суғориш, қатор ораларини культивация қилиш ишларини тўғри боғлаб олиб боришга қаратишлари лозим.

М. МИРҚОСИМОВ,
М. АҲМАДЖОНОВ,
Қишлоқ хўжалигини механизация ва электрофикациялаш Ўрта Осиё институтининг илмий ходимлари.

Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасининг коллективи эркаклар ва болалар учун турли хил фасонда пальто тикишни кўпроқ ўзлаштирмоқдалар. Бу ерда ҳар куни эркаклар учун 240 ва болалар учун 140 тадан пальто тикилади. **Суратда:** фабрика бракери **Н. Петренко** эркаклар учун тикилган пальтонинг сифатини текширмоқда.

В. Салов фотоси.

ЯНГИ ПРЕПАРАТЛАР

АКР-14

Травмотология ва ортопедия Марказий институти пластмассалар лабораторияси жағ ва тиш протезлари учун янги комбинирлашган пласмасса препарати — Акр-14 ни ишлаб чиқарди.

Препарат қаттиқ ва юмшоқ асосли ҳар хил протезларни тайёрлашга имкон беради.

Акр-14 СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Техника комитети томонидан тасдиқланди. Унинг дастлабки намуналари Харьков тишдаволов материаллари заводида ишлаб чиқарилди. Завод шу йилдан бошлаб Акр-14 препаратларини кўплаб ишлаб чиқаради.

ДОПАН

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Илмий Советининг Фармакологик комитети хроник миэлоид лейкемия ва лимфогрануломатоз касалликларини даволаш учун янги препарат — допанни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бу оригинал препарат хлор этиламинлар: 4 метил ва 5 диаминоурацил (2 хлорэтил) группаларининг қўшилишидан ташкил топган. Унинг таъсири билан ҳайвонларда бўладиган шишнинг 12 хили тўхтайди, улардан баъзилари эса тўлиқ қайтади. Допан тажриба қилинаётган ҳайвонларда қон айланишининг нормал бўлишига ёрдам беради. Препарат таблетка шаклида истеъмол қилинади.

Суратда: чет тиллар педагогика институтининг студенти **Зулманова** митингда сўзламоқда.

В. Нудлер фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Тошкент-товар станцияси... Бу ер 15 июль куни кечқурун одатдагидан гавжум эди. Соат тўрт бўлмасданоқ шод-хуррам йигит-қизлар тушган машиналар кетма-кет станцияга кела бошлади. Улар қўлларидаги юкларини белгиланган вагонларга жойлаб, хотиржам бўлгач, ўзаро гурунглашардилар. Соат стрелкаси 7 га яқинлашганида станция майдони сафарга жўнаб кетаётган ва уларни кузатишга чиққанлар билан тўлиб кетган эди. Йигит ва қизларнинг ўйин-кулгилари, оркестрнинг янгроқ садоси, қаердадир чалинаётган гармоннинг дилни қитиқловчи овози кишига завқ-шавқ бағишлайди. Тоғни урса талқон қиладиган бу йигит-қизлар бугун қўриқ ва бўз ерларда етиштирилган мўл галла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга ёрдамлашиш учун отланганлар.

Вагонларга осиб қўйилган қизил алвонларга ёзилган оташин сўзлар меҳнат ғалабаларига илҳомлантиради, ватанпарварлик ҳиссингизни тўлқинлатади: «Комсомоллар ва ёшлар! Ҳосилни тез ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишда янгиерликларга ёрдамлашайлик!», «Мўл ҳосилни бир донини ҳам қўймай йиғиб оламиз!», «Қўриқ ва бўз ер қаҳрамонларига комсомоллик салом!»...

Соат роса 7. Дикторнинг «Ўртоқлар микрофон ёнига тўпланинглар!» деган овози радио карнайларидан бутун станцияга тарқалади. Ҳамма бортига қизил алвон тутилган ва микрофон ўрнатилган юк машинаси — трибуна атрофига йиғилади. Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари ўртоқ О. Соқиев комсомол ва ёшларни галла ўрим-йиғимига кузатишга бағишланган митингни очиқ деб эълон қилгач, биринчи сўзни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. Антоновга беради.

— Совет ёшлари, — дейди у,— шу билан иккинчи марта қўриқ ва бўз ерларда етиштирилган ҳосилни йиғиб олишга ёрдамлашмоқдалар. Ўтган йили республикамизнинг мингга яқин йигит ва қизлари Қозоғистоннинг Жамбул областида фидокорона меҳнат қилиб, ҳурматга сазовор бўлган эдилар. Уларнинг кўпчилиги «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганлиги учун» значоги ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар. ВЛКСМ Марказий Комитетининг мамлакат ёшларига қилган мурожаати республикамиз комсомолларининг ватанпарварлик туйғусини қўзғатиб юборди. Қисқа вақт ичида 10 мингга яқин йигит-қиз галла ўрим-йиғимига ёрдамлашиш учун боришга истак билдириб, ариза бердилар. Биз бугун ана шу ватанпарварлардан 2 мингга яқинини Қозоғистоннинг Акмолинск областига кузатмоқдамиз. Биз ишонамизки, ёрдамга жўнаб кетаётган Тошкент шаҳар комсомоллари у ерда Ленин комсомоли номини улуғ тутиб, меҳнатда ажойиб қаҳрамонликларни кўрсатадилар, республика пойтахтига меҳнат зафарлари билан қайтиб келадилар.

Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг ишчиси ўртоқ Варивдин микрофон олдига келади.

— Комсомол ва ёшлар партия чақиригига амалий иш билан жавоб бериб, 35 миллион гектардан ортиқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирдилар. Асрлар бўйи бефойда бўлиб ётган бу ерларда ёшларнинг ғайрат ва ташаббуси туфайли бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ана шу ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга ёрдамлашиш бизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Мен шу ерда ҳозир бўлганларни ишонтириб айтаманки, биз Ленин комсомоли деган шарафли номни ерга урмаймиз, ана шу номга яраша бугдойзор далаларда ғайрат билан меҳнат қиламиз, ишончингизни оқлаймиз.

Митингда ёрдамга жўнаб кетаётган чет тиллар институтининг студенти Зулманова, Тошкент давлат консерваториясининг студенти Очилов ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб ўз ҳис-туйғуларини ифода этдилар. Йиғилганлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Р. Эгамбердиев, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари И. Арнаутов ўртоқларнинг жўнаб кетаётганларга оқ йўл тилаб айтган сўзларини қарсаклар билан кутиб олдилар.

Соат 8. Йигит ва қизлар тушган вагон Акмолинскка қараб йўл олади. «Оқ йўл! Соғ ва саломат, меҳнат зафарлари билан қайтиб келингиз!» дердилар кузатиб қолувчилар.

Кеча пойтахт меҳнаткашлари галла ўрим-йиғимига ёрдам беришга отланган ватанпарвар ёшларнинг иккинчи эшелонини ҳам оқ йўл тилаб, кузатиб қолдилар.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Суратда: ёрдамга жўнаб кетаётган йигит ва қизларнинг бир группаси Тошкент товар станциясида.

В. Салов фотоси.

Редакцияга хатлар

Йиғма темир-бетон заводи қурилиши чўзилиб кетмоқда

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ Бекобод шаҳрида йирик йиғма темирбетон заводи қурилиши бошланганига икки йил бўлди. Завод қурилишида ишлаётганлар «агар ҳозиргидек суръат билан ишлайдиган бўлсак, бу объект қурилиши ҳали яна бир-икки йилда битадиганга ўхшамайди» дейишади. Бу гап бечиз эмас, чунки бу қурилишдан манфаатдор бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам, қурилишни зарур материаллар билан таъминловчи ташкилотлар ҳам заводнинг тезроқ битиши тўғрисида жиддий қайғирмаётирлар. Турли сабабларга кўра қурувчилар ва қурилишда ишлаётган машина-механизмлар соатлаб, ҳатто суткалаб бекор туриб қолаётир.

Дастлабки проектга кўра, бу завод йилига 15 минг кубометр темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиши керак эди. Кейинчалик эса Мирзачўлда қурилиш ишлари ҳажмининг кескин даражада кенгайтирилишини назарда тутиб, унинг қувватини икки баравар ошириш белгиланди. Ишчи чертёжлар ҳам шу ҳисобдан тайёрланаётир. Завод қуввати дастлабки проектда белгиланганидан икки ҳисса оширилгач, унинг смета баҳоси ҳам икки баравар оширилиши лозим эди. Бироқ, янги иншоот комплексининг сметаси ҳалигача тузилгани йўқ.

«Средазгипроводхлопок» институти сметаларни ҳисоблаб чиқиш ишини чўзиб юборяётганлиги сабабли қурилиш ташкилотининг молиявий аҳволи оғирлашмоқда, ташкилот учун ажратилган маблағ ўз вақтида олинмаётир. Республика Госплани бу қурилиш объекти учун 1957 йилга 4 миллион 435 минг сўм пул ажратган. Бироқ юқоридаги сабабларга кўра, қурилиш ташкилоти шу пайтгача бу маблағнинг учдан бир қисмини ололди, холос.

Зарур чертёжларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслиги ишнинг белига тепаётир. Проектчилар аллақачон қурилиш иши бошланиши керак бўлган бир қанча объектларнинг, жумладан 3 та юк ортиш узелини, 2 та эстакаданинг ва қум тозалаш объектларининг чертёжларини шу пайтгача тайёрлаб берганлари йўқ. Юк туширш бункерининг эса пойдевори учун чертёж бор, аммо устқурманинг чертёжи йўқ.

Янги қурилаётган йиғма темирбетон конструкциялари ва деталлари заводи Бекободда ва, биринчи навбатда, Мирзачўлда қурилишларни индустриал методда олиб боришга кўчиш учун қанчалик катта имконият яратиши ҳаммага маълум. Буни завод қурилишининг заказчиси «Главголодностепстрой» раҳбарлари ҳам, қурилишни проект, смета ва пул билан таъминлашга даъват этилган ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам яхши биладилар. Лекин негадир улар мана шу муҳим объект қурилишини чўзиб юбормоқдалар. Ахир, бундай катта ва зарур завод қурилишининг бир ҳафта кейинга чўзилиши ҳам умумий ишимиз учун катта зарар келтиради, қурилиш таннархи ошиб кетади. Мана шуларни яхши тушунган темир-бетон заводи қурувчилари бу объектни тезроқ битказиш учун зарур шароитларнинг яратиб берилишини талаб қилмоқдалар.

Б. РОЙТИХ,
Ўзбекистон КП Бекобод шаҳар комитети саноат ва транспорт бўлимининг мудири.

Сувсиз ҳовуз, файзи йўқ чойхона

Икки нуроний мўйсафид Шайхантаур остановкасида трамвайдан тушди-да, икки тарафи кўмкўк, кўркам зиналардан чиқиб, асфальт кўчадан борарди.

— Хўб чиройли гуллар экилмиш? — деди оталардан бириси, — кўча ёқасидаги чаман-чаман очилиб ётган гулзорни кўрсатиб.

— Гул-ку чиройлик, ҳам хушбўйку-я, аммо унинг ёқимли ҳидини мана бу «Лангар» ҳовузидан чиқаётган ярамас бадҳид бузиб юбораётир-да, — афсусланиб гапирди иккинчи мўйсафид.

— Ҳа! Бу ҳовузга сув қўйилганига роса икки йил бўлди. Шу вақтгача бу ҳовуз суви алмаштирилмайди, ўзиям турли ҳашарот, қуртлар тўлиб кетгандир. Пашшанинг кони бўлибди. Тавба, ахир шуни тозалашса, бўлмаємикин-а?

— Шу чойхонага кирмоқчимидик? — бироз ранжигандек сўради иккинчи мўйсафид. Ҳовуз ёнидаги чойхонани кўрсатиб.

— Майли, жуда ташнамиз-ку, битта кўк чой ичиб чиқамиз-да.

Хуллас, мўйсафидлар чойхонага киришиб, кўк чой чақиришди. Аммо бироз ўтиргандан кейиноқ таъбилари тирриқ бўлди. Чойхонадаги аллақандай нохуш ҳид, унинг устига ҳовуздан келаётган ҳид кўнгилни озиргулай жонга тегарди. Чойхоначи бир чойнак чой, иккита лаби учган пиёлани кўтариб келиб улар олдига қўйганда, улар чой ичишдан ҳам воз кечиб туриб чиқиб кетишди.

Октябрь ошхоналар трестининг ўртоқ Р. Салимов директорлик қилаётган 2-чайнаясига қарашли бу чойхона биноси ўз ишига масъулиятсизлик билан қараётган чойхоначи Ж. Тожиевнинг эътиборсизлиги туфайли кун сайин нураб кетмоқда. Чойхонада на маданиятга, на санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинади. Столстулларни айтмайсизми — ҳаммаси бир-биридан маймоқ.

Тошкент шаҳар, Октябрь район коммунал хўжалик бўлими, район санитария-гигиена бошқармаси ва мазкур трест раҳбарларининг эътиборидан четда қолган бу сувсиз ҳовуз ва файзи йўқ чойхона арзига ким қулоқ солади?!

Ж. АБДУРАҲМОНОВ,
З. АБДУЛЛАЕВ.

РЕПОРТАЖ

Оқ йўл

Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг сессияси

ПЕКИН, 15 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси сессиясининг бугунги эрталабки ўтиришида Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Хань-фу сўзга чиқиб, хитой халқига нисбатан душманчилик сиёсатини ўтказиб келаётган ва Узоқ Шарқда кескинликни кучайтиришга интилаётган америка агрессив доираларини қаттиқ қоралади.

Хитой демократик иттифоқи раисининг ўринбосари Ло Лун-цзи ўзининг ёзма нутқида, партияга қарши ва социализмга қарши хатти-ҳаракатлар қилганлигини бўйнига олди. Ло Лун-цзи, кейинги йилда иттифоқ раисининг ўринбосари бўлиб турганида, Чжан Бо-цзюнь билан бирликда иттифоқнинг фаолиятини ўнгга буриб юборганлигини айтди.

Ло Лун-цзи ўз нутқида, «юз гулнинг ҳаммаси гулласин, юз оқимнинг ҳаммаси бир-бири билан рақобат қилсин» деган йўлни Коммунистик партияга ҳужум қилиш мақсадида буздим, партиялар ўртасида «ўзаро контроль» бўлсин деган йўлни коммунистик бўлмаган партияларни ҳокимият учун курашга йўлламоқ учун буздим, деди.

Май ойида, дейилди Ло Лунцзининг баёнотида, Хитой демократик иттифоқи тўртта комитет тузган эди. Бу комитетларнинг вазифаси Коммунистик партиянинг университетлардаги комитетларини тугатиш, илмий-текшириш ишлари соҳасида партияга қарши, социализмга қарши программалар тузиш, иттифоқни кучайтириб, давлат сиёсатини белгилашда уни етакчилик қиладиган даражага етказишга уринишдан иборат эди. Бу комитетларни тузиш тўғрисидаги қарорни Ло Лун-цзи ва Чжан Бо-цзюнь иттифоқ раиси Шэнь Цзюнь-жу ва иттифоқ раҳбарлигидан рухсат олмай қабул қилганлар.

Чжан Бо-цзюннинг Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси сессиясининг бугунги эрталабки ўтиришида депутатлар орасида тарқатилган ёзма баёнотида, ўзининг шахсий жиззакилиги Хитой Коммунистик партиясига путур етказиш йўли билан ҳокимиятни босиб олиш учун Ло Лун-цзи билан иттифоқ тузишга сабаб бўлганлигини кўрсатилади.

Чжан Бо-цзюннинг айтишича, у, иттифоқда раҳбарликни қўлга олмоқ учун илгари Ло Лун-цзи билан ҳамиша ўзаро курашиб келганликларига қарамай, ўтган йил ўз мақсадига эришмоқ ниятида Ло Лун-цзи билан иттифоқ тузган.

Чжан Бо-цзюнь Коммунистик партия билан ҳокимиятни бўлиб олишга интилиб, коммунистик бўлмаган партияларнинг сафларини кенгайтириб, уларнинг аъзолари сонини «сиёсий капитал» тариқасида бир неча миллион кишига етказишни тарғиб қилиб келганлигини ҳам айтиб ўтди.

Империалистлар ва Чан Кай-ши менинг важларимдан ва мен тарқатаётган идеялардан фойдаланганликлари, деди Чжан Бо-цзюнь, қилган жиноятларимнинг бутун жиддийлигини тағин ҳам кўпроқ пайқаб олишга мени мажбур қилди. Чжан Бо-цзюнь, Хитой Коммунистик партияси менинг социалистик позицияларга яна ўтиб олишимга тағин бир марта ёрдам беради, деб умид билдирди.

Сессиянинг бугун эрталабки мажлисида депутатларга тарқатилган яна бир ёзма нутқда Хитой-Совет дўстлиги жамиятининг бош секретари Цянь Цзюнь-жуй ўнг унсурларнинг антисовет қарашларини қаттиқ қоралади.

ПЕКИН, 15 июль. (ТАСС). Бугун кунинг иккинчи ярмисида Халқ вакилларининг Умум Хитой мажлиси сессиясининг қатнашчилари охирги йиғилишга тўпландилар.

Депутатлар Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лайнинг ҳукуматнинг иши тўғрисидаги докладини, молия министри Ли Сянь-яннинг 1956 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ва бу йилги бюджет тўғрисидаги докладини, Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Бо И-бонинг 1956 йилда халқ хўжалиги планининг бажарилиши тўғрисида ва 1957 йил плани тўғрисидаги докладини, олий халқ судининг раиси Дун Би-унинг, бош прокурор Чжан Дин-чэннинг ва Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари Пин Чжэннинг докладларини бир овоздан тасдиқладилар.

1957 йилги бюджет 29.393.934 минг юань миқдорида тасдиқланди.

Сессия келгуси йилда Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисига сайловлар белгилади. Бу сайловлар 1958 йил 15 июлгача тамомланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Депутатлар бош министр Чжоу Энь-лай доклади юзасидан Хитой-Бирма чегараси ҳақида ҳам қарор қабул қилдилар. Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг Доимий комитетига Чэнь Ци-ю ва Цзи Фан сайландилар.

Пировардида, раислик қилувчи Лю Шао-ци, сессия вақтида аҳолидан мингдан кўпроқ хат келганлигини; бу хатларда ўнг унсурлар қоралангалигини айтди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг таклифи билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Корея Халқ Демократик Республикаси қишлоқ хўжалик ходимларидан бир группаси Ўзбекистонда. **Суратда:** делегация аъзоларидан бир группаси Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг Оққовоқ марказий агротехника тажриба станциясида.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ) фотохроникаси).

ФРАНЦИЯ ЭЛЧИХОНАСИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

14 июлда Франциянинг СССР даги фавқулодда ва мухтор элчиси Морис Дежан миллий байрам — Бастилияни олиш куни муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Е. А. Фурцева, А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий суд раиси А. Ф. Горкин, Совет Иттифоқи маршали С. С. Бирюзов, артиллерия маршали С. С. Варенцов, авиация маршали С. И. Руденко, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эллар билан маданий алоқа давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг, Ташқи савдо министрлигининг, СССР Мудофаа министрлигининг, СССР Маданият министрлигининг масъул ходимлари, Совет Армиясининг генералларги ва офицерлари, ёзувчилар, артистлар, олимлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида СССР даги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, элчихоналарнинг ходимлари бор эди.

Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ФРАНЦУЗ ХАЛҚИ 14 ИЮЛНИ ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚЛАР УЧУН, БУТУН ДУНЁДА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ ШИОРИ ОСТИДА НИШОНЛАДИ

ПАРИЖ, 15 июль. (ТАСС). Франция меҳнаткашларининг кенг оммаси миллий байрам — 14-июлни демократик ҳуқуқлар ва Жазоирда тинчликни тиклаш учун курашда ўз сафларини янада жипслаштириш билан нишонладилар, Адолат ва озодликни ҳимоя қилиш учун кураш комитетининг чақириғига биноан, Марселда ташкил этилган намойиш «Жазоирда тинчлик бўлсин», «Фашизм ўта олмайди» деган шиорлар остида ўтди. Тулонда ҳам Коммунистик партия, социалистик партия, радикал-социалистик партия, прогрессив республикачилар союзи ва бошқа бир қанча демократик жамоат ташкилотларининг ташаббуси билан бундай намойиш ташкил этилди.

Париж ёнидаги Вильмомблда сўл кучларни бирлаштириш учун кураш комитети йиғилиш ўтказди. Бу йиғилишда коммунист депутат Жак Дюкло, радикал-социалистлардан сайланган депутат Шарль Эрню, шунингдек инсон ҳуқуқлари уюшмасининг ва бошқа республикачи ташкилотларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар. Дюкло ва Эрню йиғилишда сўзга чиқиб, фашизм хавфига қарши курашда сўл кучларни жипслаштиришга чақирдилар.

«Юманите» газетасининг ёзишига қараганда, меҳнаткашлар хушёрлик кўрсатиб, демократик ташкилотларнинг биноларини муҳофаза қилганликлари ва бир қанча саноат корхоналарида антифашист комитетлар тузганликлари натижасида қўпорувчи унсурлар бу миллий байрам кунида ўзларининг одатдаги иғвогарлик ишларини қилишга ботина олмаганлар.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

Театр артистлари пахта далаларида

Янгийўл шаҳридаги Маннон Уйғур номли театр артистлари колхозчилар, совхоз ишчилари, МТС механизаторлари ва Мирзачўлни ўзлаштираётган янгиерликларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида гастролга чиқиб кетдилар. Театрнинг ижодий коллективи Гулистон, Боёвут, Ховос, Бекобод, Мирзачўл ва бошқа районларда пахта далаларида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган азаматларга қизиқарли программаларда концерт кўрсатмоқда.

Боёвут районидаги Булганин номли колхозда берилган катта концертга 1200 дан ортиқ тамошабин қатнашди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдуллажон Охунов, артистлардан Ёқубжон Ўсаров, Маликахон Мусаева ижро этган ашула ва дуэтлар, коллективнинг бошқа аъзолари ижросидаги шўх рақслар ҳамда қўшиқлар тамошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Й. БОБОЕВ.

Қисқа сатрларда

* **Уртасарой.** Район марказида бичув-тикув артели ташкил қилинди. Ҳозир бу артелда 30 га яқин хотин-қиз устки кийимлар тикиш билан шуғулланмоқда.

Т. Алиқулов.

* **Чиноз.** Яқинда райондаги Оржоникидзе номли колхозда 150 бош қорамол сиғадиган молхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Х. Умаров.

* **Тошкент.** Шаҳардаги «Ташкенткабель» заводининг социалистик шаҳарчасида ёзлик ошхона, чойхона, озиқ-овқат моллари магазини қурилиб, ишга туширилди. Янгидан қурилаётган гастроном, касалхона бинолари ҳам битказилиш арафасида турибди.

Р. Кўчаров.

* **Сирдарё.** ДОСААФ жамиятининг район комитети бу ерда 3 ойлик шоферлар курси очди. Ҳозир бу курсда 40 дан ортиқ киши ўқимоқда. Улар шоферлик ҳуқуқини олгач, Мирзачўлни ўзлаштиришда хизмат қиладилар.

Қ. Кенжаев,
А. Кўчаров.

* **Оржоникидзе.** Киров номли колхоз правлениеси идораси олдига улуғ доҳи В. И. Ленинга ва Коммунистик партиянинг отоқли арбоби С. М. Кировга ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкаллар атрофига гуллар экилиб, обод қилинмоқда.

Н. Қаюмов.

Қисқа хабарлар

* Варшавада Польша Халқ Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасида социал сиёсат соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

* Миср президенти Жамол Абдул Носир Қоҳирада Миср саноати ишлаб чиқарган товарлар виставкасини очди. Тўпланган кишилар Миср Республикасининг миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятларидан далолат берувчи бу виставкани зўр қизиқиш билан тамоша қилдилар. Виставка Мисрнинг индустриалштириш соҳасида эришган муваффақиятларини акс эттиради ҳамда мамлакатнинг иқтисодий мустақилликни таъминлаш йўлида зўр бериб ҳаракат қилаётганини кўрсатади.

* Франциянинг бир қанча департаментларидаги бошланғич мактабларда махсус педагогик маълумоти бўлган ўқитувчилардан 20 процент етишмайди. Умуман Франциядаги бошланғич мактабларга 20 минг ўқитувчи етишмайди.

* Швециялик 96 руҳоний ядро қуроли синовларини тақиқлашга даъват этиб чиққан.

(ТАСС)

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/VII да **Алишер Навоий**, 18/VII да **Жазоир, менинг ватаним!**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/VII да **Чио-Чио-Сан**, 18/VII да **Фра Дьяволо.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун кенг экранли **Дон Кихот.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Миколка-паровоз.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Владимир Ольмернинг айби.**

«УДАРНИК» — **Владимир Ольмернинг айби.**

«ВАТАН», «ХИВА» — **Миколка-паровоз.**

Ўзбекистон пионерлари ва мактаб ўқувчиларининг рус тилида чиқадиган
«ПИОНЕР ВОСТОКА» НОМЛИ ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОКДА

Обуна баҳоси: 3 ойга — 2 сўм 60 тийин, 6 ойга — 5 сўм 20 тийин.

Август ойига ва йил охиригача обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа корхоналарида, шунингдек муассаса, фабрика, завод, колхоз ва совхозлардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 03579. «Қизил Ўзбекистон, «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1847.